



# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 21-noyabr, shanba • №47(3837)

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 37680 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 74660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 37680 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 74660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45220 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқирилиши инobatга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 16 ноябрь

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Курбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний байрам – Курбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида” ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Курбон ҳайитининг биринчи куни 27 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инobatга олиб, 2009 йил 27 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Махалла” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мута-

садди давлат ва жамоат ташкилотлари Курбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тadbирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 19 ноябрь

## ХАЛҚ ИШОНЧИ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ



Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант А. Раимхўжаев оиласи билан.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ҳеч муболагасиз айтиш лозимки, Тошкент шаҳри дунёнинг сиёсий харитасидан муносиб жой эгаллади. Ушбу сўлим гўша-

да ҳар куни республикамиз, ҳатто жаҳон аҳамиятига молик воқеалар рўй беради. Пойтахтимизда сиёсий, маданий, илм-фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва бошқа

соҳаларга оид тadbирлар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Шунингдек, нуфузга эга бўлган институтлар ва университетлар ўрин олган. Айнан Тошкентда ҳукумати-

*Сен учун бедормиз  
ҳар лаҳза, ҳар он,  
Неки хизматинг бор  
биз шаймиз, Ватан!  
Бахтинг учун айлаб  
кўксимиз қалқон,  
Тинчлигингни асраб  
яшаймиз, Ватан!*

миз ва Олий Мажлис палаталари йигилишлари, бошқа давлатлар раҳбарлари ва делегациялари билан халқаро учрашувлар, анжуманлар, симпозиумлар, турли кўргазмалар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда ҳар доим ҳаёт қайнайди. Ана шундай шароитда мазкур масканда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш вазифаси ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, полковник Қ. Накибов ҳам муҳбиримиз билан бўлган суҳбатда бу борадаги вазифалар юзасидан гапириб берди.

(Давоми 5-бетда).

### ДИҚҚАТ, 23 НОЯБРДАН 23 ДЕКАБРГАЧА «ЁНГИН ХАФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Киш мавсуми бошланиши билан фуқароларнинг газ, электр энергияси, шунингдек, иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ошиши ёнгин хавфининг кескин ортиб кетишига олиб келади. Буни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 ноябрдаги фармойишига асосан, мамлакатимизда шу йил 23 ноябрдан 23 декабргача «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Фармойишда таъкидланганидек, бундан кўзланган мақсад юртимиздаги шаҳар, туманлар ва бошқа аҳоли турар жойларида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш орқали кўнгилсиз ҳолат-

ларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар орасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Азиз юртдошлар! Мазкур тadbир ҳар биримиздан ҳушёрлик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Ойликда фаол иштирок этиш орқали давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнгин офатидан асраб, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни унутманг.

ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси.



**ЎЗБЕКИСТОН**

**ҲАФТА ИЧИДА**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида вояга етмаганларга оид қонунчиликнинг бугунги ҳолати ва истиқболга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуман парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 40 дан зиёд халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси экани қайд қилинди. Мазкур соҳадаги вазифаларнинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида «Ошкоралик ва очиқлик – сайлов кампаниясининг асосий тамойиллари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнида очиқлик ва ошкоралик ҳамда транспарентликни таъминлаш, сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли масалалари семинарнинг асосий мавзуси бўлди. Семинар матбуот гуруҳлари раҳбарларининг миллий сайлов қонунчилиги борасидаги билимини янада ошириш, сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнини тезкор, холис ёритишда зарур шароитларни яратишда оммавий ахборот воситалари, аввало, матбуот гуруҳлари ходимларининг иштироки масалалари муҳокама қилинди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ҳукуматининг «Ривожланишига расмий ёрдам» дастури доирасида Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Япониянинг иқтисодий, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳалари ва эришилган ютуқлар ҳақида сўз борди.

● Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгашида Халқ таълими вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Қонунга итоат – ҳаётини меъёр» мавзусидаги фото ва расмлар кўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри босқичида голибликни қўлга киритган қирқ икки нафар ўғил-қизнинг халқимиз ҳаёти, юртимизнинг гўзал табиати, муҳташам иншоотлари, қадимий обидалари тасвирланган юзга яқин ижодий иши намойиш этилди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**



**Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров олиб борди.**

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ялпи мажлис шу йил 4-5 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджетини тўғрисидаги, шунингдек, 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалалар киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Респуб-

**ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА**

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

ликасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган қонунларни, шу жумладан, «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг

Фахрий ёрлиги тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тавсифини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлисида, шунингдек, давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ташқи сиёсат соҳасидаги қонунлар, жумладан, «Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилади.

Шунингдек, «Инқирозга қарши чораларнинг 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори бажарилишининг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девонининг йигирманчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

**ТАЙИНЛАНДИЛАР**

**Транспортдаги ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Абдусамат Абдусаттарович МИРЗАКАРИМОВ.**

Абдусамат Абдусаттарович Мирзакаримов 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1979 йилда республика ИИБ ЖТСБ ҳузуридаги Тошкент шаҳридаги алоҳида милиция дивизиони милиционер лавозимидан бошлаган. 1984–2001 йилларда республика ИИБ ЖТСБ ҳузуридаги Тошкент шаҳридаги алоҳида милиция дивизиони бўлинма командири, взвод командири, ИИБ ЖТСБ инспектори, бўлинма бошлиғи, 2001–2009 йилларда республика ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлим бошлиғи, Транспортдаги ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Қашқадарё вилояти ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, подполковник Ахрор Рустамович Юлдашев.**

Ахрор Рустамович Юлдашев 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ ҚР ва ТҚКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1998–2002 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими катта ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси, вилоят ИИБ Котибиятининг катта инспектори, Муборак тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, 2002–2009 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ Ташкилий-инспекторлик бўлими навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси, бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғининг ўринбосари, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлим бошлиғи, вилоят ИИБ Котибият бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Транспортдаги ИИБ Кўқон темир йўл бекатидаги тармоқ Ички ишлар бўлими бошлиғи, полковник Муҳаммад Саматович КУРБАНОВ.**

Муҳаммад Саматович Курбанов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Транспортдаги ИИБ Тошкент-Жанубий темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ Ўзбекистон темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлинмаси тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1994–1999 йилларда Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ Сирғали темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ тезкор вакили, Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Келес темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи, 1999–2009 йилларда Транспортдаги ИИБ Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ЖКБ бўлинма бошлиғи, ХООБ бошлиғи, ППХ ва ЖТСБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**ҚАРОР ВА ИЖРО**

**РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ**

**Одам савдоси – инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, озоишта турмуши ҳамда келажакига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири. У бугунги кунда умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, бу турдаги жиноятларга барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси одамларнинг нолегал трафикига қарши курашишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси асосида 2008 йилда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Натижада мамлакатимизда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги қарорига биноан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида 30 ўринга мўлжалланган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказининг ташкил қилиниши белгилаб қўйилган эди. Қарор ижросини таъмин-

лаш мақсадида Тошкент шаҳрида қисқа муддатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий бино қурилди ва 18 ноябрь куни унинг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, марказ ўз фаолиятини одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик, шахсий ҳаёти ва шахснинг махфийлигига риоя қилиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида амалга оширади. Мазкур марказда одам савдоси жабрдийдалари кулай яшаши, шахсий гигиена шарт-шароитлари, озиқ-овқат, дори воситалари билан таъминланиши билан бир қаторда, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади.

Маросимда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси.**

**ТАДБИР**

**Сурхондарё вилояти ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматида 2009-2010 ўқув йилида хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулоти бошланганлиги муносабати билан семинар ўтказилди. Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Ҳ. Бегматов йилнинг ўтган даврида ходимлар хизмат ва жанговар тайёргарлиги, касбий маҳоратини ошириш, интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар хусусида маъруза қилди.**

**МАҲОРАТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

Семинарда янги ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ вазифаларга эътибор қаратилди. Синфхоналар тайёрланган, тегишли адабиётлар, тематик режа ва тарқатма материаллар етказиб берилмоқда. Машғулотларни ўтказувчи гуруҳ раҳбарлари, бошқарма ва соҳавий хизмат бошлиқларининг ШТБИ бўйича ўринбосарлари масъулияти оширилди. Тадбир иштирокчилари жисмоний ва жанговар тайёргарлик машғулотларини янада такомиллаштириш хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Билимли, тажрибали, ўз касбига садоқатли, жисмоний ва жанговар тайёргарликка эга ходим зиммасидаги вазифани, бурчини чуқур англайди, унга амал қилади.

Тадбирда ходимлар иштирокида хизмат ва жанговар тайёргарлик билан боғлиқ амалий машғулотлар бўлиб ўтди.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ, ўз мухбиримиз.**

АНЖУМАН

# ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Оммавий ахборот воситалари ҳаёт кўзгуси, деб бежиз айтилмаган. Негаки, инсонларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор қилиб, кечаётган жараён билан яқиндан таништиришда у қудратли кучдир. Айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юридик таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни оширишда бу омилнинг ўрни беқиёс эканлигини кўпчилигимиз яхши биламиз.

Тошкент шаҳар ИИББда «Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларни ёритиш» мавзуга бағишланиб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам айнан шу ҳақда гап борди. Уни Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник Азиз Эрнарзов кириш сўзи билан очиб, ушбу тадбирнинг мақсад ва вазифалари ҳусусида батафсил сўз юритди. Шундан сўнг «Оммавий ахборот воситалари билан Ички ишлар вазирлигининг ҳамкорлиги» мавзусида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов ўз мулоҳазаларини билдирди. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси



раиси Шерзод Фуломов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Турсун Али Ўрмонов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» бош муҳарририяти шарҳловчиси Муаттар Асқарова оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорлиги, ёритилаётган ҳу-

қуқий мавзудаги мақолаларнинг савияси ва долзарблигини кучайтириш тўғрисида тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, ҳуқуқий мавзунини ёритишда асосан қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳусусида фикр билдирилди.

Анжуман сўнггида савол-жавоблар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Келгусида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Умида БОЛЛИЕВА.  
Суратда: тадбирдан лавҳа.  
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Республика Фавкулудда вазиятлар вазирлигида тизимда аҳоли ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш юзасидан ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни билан оммавий ахборот воситалари ходимларини таништиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида нафақат вазирлик тизими вакиллари, балки ОАВ ходимлари, кенг жамоатчилик ҳам муайян маълумотларга эга бўлишлари мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида қайд этиб ўтишди. Шу билан бирга, вазирлик тизимида ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан аҳолини кенг таништириш, уларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиш фуқароларимизнинг фавкулудда вазиятларнинг олдини олишга оид билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, дея таъкидлашди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

26 НОЯБРЬ – ХАЛҚАРО АХБОРОТ КУНИ

# АХБОРОТ АСРИДА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

Мустақиллик боис ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам янгича муносабат юзага келди, матбуот ва сўз эркинлиги бебаҳо неъматга айланди. Шу сабабли бугунги кунда матбуот эркин майдонга айланиб бормоқда. Эндиликда демократия, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, жамиятдаги яратувчилик ҳолати фикр ва сўз эркинлиги, ранг-баранглиги ҳосиласи сифатида бўй кўрсатмоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситалари мустақиллик гоёсини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдиришда беқиёс хизматлар қилмоқда. Ўлмас маданий меросимиз, миллий истиқлол мафқураси, бунёдкор халқимизнинг бой маънавий қадриятларини тарғиб қилмоқда, тарих сабоқлари ва бугунги замон ҳодисаларини чуқур таҳлил этмоқда. Шу тариқа оммавий ахборот воситалари инсоннинг ўз-ўзини ид-рок этишига, ўзлигини англашга, ҳаётнинг маъно ва моҳияти нималардан иборат эканлигини теран тушунишига хизмат қилмоқда, билиш ва юксалишнинг бетакрор, беқиёс куроли сифатида намоён бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Исом Каримов таъкидлаганларидек ижтимоий ҳаётга таъсири ҳақида гап кетганда, оммавий ахборот воситалари кучи жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни кўтариб чиқишида, унинг самарали ечимларини топишга уринишида, мавжуд муаммоларга жамият аъзолари диққатини жалб қилишида, давлат идоралари фаолиятини назорат қилиб боришида кўринади. Шу маънода, у халқни ҳокимият билан боғловчи восита, механизм сифатида майдонга чиқади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асосларини шакллантириш, уларнинг қонуний базаси ва институтларини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг таъсирчан механизминини яратиш, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, жамият ҳаётининг муҳим соҳасини давр талабига мос келадиган босқичга кўтариш сари саъй-ҳаракатлар ўз натижаларини бермоқда.

Шу боис биринчидан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, мустаҳкамлаш асосида матбуот ва сўз эркинлигининг, фикр ва ахборот олиш имкониятининг ортиб бориши; иккинчидан, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти юксалиши натижасида турли хил фуқаролик институтла-

рининг пайдо бўлиши ва ривожланиши; учинчидан, ҳар бир фуқаронинг моддий бойликларни яратиш асосида ижтимоий институт сифатида мулкдорлар синфининг шаклланиши ва такомиллашуви; тўртинчидан, давлатнинг қатор соҳалардаги бошқарувчилик фаолияти босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органларига, ҳусусан, маҳаллаларга ўтказилиши жараёни кузатишмоқда.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришда у ёки бу давлатда мавжуд бўлган миллий, диний ва маданий руҳдаги ғояларни ҳамда улар асосида шакллантирилган мафқураларни кўр-кўрона матбуот орқали тарғиб этиш халқимизнинг руҳиятига, миллий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши, маълум бир ғояга бирлашишда сусткашликка олиб келиши, жамиятда ижтимоий бўшлиқни вужудга келтириши мумкин.

Аслида мамлакатимиздаги мафқуравий муҳит ҳаёт ва ижоддаги маҳдудликка ҳамда фикр қашшоқлигига қарши баҳс-мунозара, танқид ва таҳлил йўли билан эришиш сари йўналтирилганлиги тўғрисида ҳам ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Зотан, миллий мафқура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир деган эди давлатимиз раҳбари миллий маф-

қурамизнинг аҳамияти ҳақида. Шунинг учун ҳам миллий мафқура жамоатчилик онги ва қалбига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдириб борилади. Миллий мафқура таърифида бир жиҳат алоҳида аҳамият касб этади. У миллат бўлиб, миллат ҳудудий, иқтисодий, сиёсий, этник муносабатлар (маданият, тил, ўзликни англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этно-ижтимоий бирлик ҳисобланади. Мафқура эса жамиятнинг соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз мудоаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевордир. Шундай қилиб, миллий мафқура ҳар бир ватандошимизнинг оила, жамият, эл-юрт олдидан бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир. Бинобарин, маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун истиқлолга садоқат туйғусини мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Умуман олганда, билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, мамлакат, маърифатли давлатлар бир-бири билан тил топишиб, янада қудратли кучга айланади, алал-оқибат умуминсоний тафаккур раванқ топиб, устувор аҳамият касб этиб боради.

Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар кураши, баҳсу мунозаралардан иборат. Ҳамма гап кураш ва синовларга тайёр туришда, оғоҳ ва сергак бўлишда. Мустақил фикрга эга бўлган, ўз кучига ишонган инсон фикрлар хилма-хиллигидан чўчимади. Балки, Юртбошимиз сингари ғояга қарши ғоя билан, таҳдид ва ғаразли, ҳасадгўй ва ғаламис кимсаларнинг макру ҳийлаларига мардона туриб, асосли, илмий жавоб қайтара олади. Шу маънода, жамиятимиз аъзолари умумий мақсад йўлида ўз тақдирини жамият тақдири билан боғлиқ деб тушунса, яхлит ижтимоий бирлик макони вужудга келади.

Бугунги кунда жаҳоннинг у ёки бу бурчагида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри ахборотлар олиш имкониятига эгамиз. Демак, XXI аср – ахборот асри. Унда миллатлараро муносабатлар ҳам янгидан-янги йўналишларда ўзининг ифодасини топа боради. Мустақиллик даврида матбуот ва сўз эркинлигига эътибор кучайди. Мамлакатимизда ахборот майдонининг кенгайиши, ахборот маконининг янада холис ва асосли бўлиши, ойдинлашуви, жаҳон ахборот тизими билан мустаҳкам алоқанинг ўрнатилиши XXI аср ахборот ҳамда маърифат асри бўлишини тасдиқлайди. Матбуот ва сўз эркинлигини рўёбга чиқаришдаги саъй-ҳаракатлари фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокида янада яққолроқ намоён бўлди.

Истиқлолга эришган давлатимиз учун ўз миллий ахборот маконига эга бўлиш, уни назорат қилиш қобилиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини оширишдан тортиб то ўз миллийлигимизни муҳофаза этишгача бўлган барча тадбирларнинг ана шу сиёсатга боғлиқлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Ахборот маконини ҳимоя қила олмаслик, ундан етарли фойдалана билмаслик ёки энг хавфли жиҳати, миллатнинг, айниқса, журналистнинг ахборот маконига нисбатан ҳис этиш қобилиятининг пасайиши давлат заифлашувининг яққол белгиларидан бири ҳисобланади. Ахборот маконидagi адолатли халқаро сиёсат эса жуғрофий-сиёсий имконият ва таъсирнинг маърифий куч билан кенгайишига хизмат қилиши саналади. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот маконининг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайишидан, ҳақиқий миллий, маърифий, хавфсиз майдон бўлиб қолишидан манфаатдордир. Айни чоғда мамлакатимизнинг миллий хавфсизлиги, мустақиллиги ахборот хавфсизлигини таъминлашига сезиларли даражада боғлиқ бўлади. Айниқса, техник тараққиёт жараёнида ахборот хавфсизлигининг аҳамияти ортиб бориши муқаррардир.

Назира АБДУАЗИЗОВА,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Афғонистонда уюшган жиноятчиликка қарши янги ташкилот рўйхатга олинди. Мамлакат Ички ишлар вазирининг айтишича, мазкур идора ўз фаолиятини АҚШ тергов маҳкамаси, Европа полицияси (Европол) ҳамда Скотланд-Ярд (Буюк Британия полицияси) билан ҳамкорликда олиб боради.

КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Шу кунгача оддий грипп ва «чўчка гриппи», яъни А/Н1Н1 вируси ер қурраси бўлиб ўз кўламини кенгайтириб, 199 та мамлакатга тарқалиб улгурди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича 500 мингга яқин одам шу касалликка чалинган, 5 мингдан ортиқ киши офат тўғрисида ҳаётдан кўз юмган.

Бу борада айниқса, Украинада аҳвол оғир. «Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, ушбу мамлакатда касалланганлар сони бир миллиондан ортиб кетган, 174 киши ҳаётдан кўз юмган. Республиканинг 9 та вилоятида карантин ҳолати эълон қилинган.

Шунингдек, Россия, Болгария, Словакия, Беларусь ва бошқа яқин атрофдаги давлатларда ҳам эпидемиологик касалликлар хуружи юқори даражада.

ЕР КЎЧКИСИ

Хитойнинг Шанси музофотида тинимсиз ёққан ёмғир ер кўчкисига сабаб бўлди. Оқибатда 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Яна кўплаб одамлар тупроқ остида қолиб кетди. Воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган ҳафтада мамлакатнинг шимолий, шарқий ва марказий ҳудудларида тинимсиз ёққан қор ноҳуш ҳодисаларни келтириб чиқарган. Хэбэй ва Хэнань музофотидаги айрим бинолар қор остида қолиб, электр энергияси, сув, иссиқлик таъминоти ва алоқа тизими ишдан чиққан.

Кузатувчиларнинг фикрича, бундай офат сўнгги 50 йилдан буён қайд этилмаганди.

ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИДА

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Россиянинг «АвтоВАЗ» автомобилсозлик компанияси 19,7 миллиард рубль миқдорига зарар кўрган. Бунга «Лада» русумли автомобилларга нисбатан талабнинг кескин камайиб кетиши сабаб бўлган.

АҲОЛИ СОНИ ҚИСҚАРИШИ МУМКИН

Германияда 82 миллион киши истиқомат қилади. Мамлакат статистика федерал хизмати маълумотларига кўра, аҳвол шу тарзда давом этса, ярим асрдан сўнг аҳоли 12-17 миллион кишига қисқариши мумкин. Бунга тугириш кўрсаткичи тобора тушиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

# ЭЛНИНГ ДУОСИН ОЛИБ...

Турткўл туманидаги Сарибий қишлоғида яшовчи Икром исмли йигит тахта тилиш цеҳида ишлаб юриб, топган бирикки сўмидан гурурланиб, ўзини бойваччалардай ҳис қилди. Назарида бойваччалар кўп хотинли, маишатга муккасида кетган шахслар деб ўйлади ва улардан қолишмасликка ҳаракат қилди. «Пул бўлса, чангалда шўрва деганлари тўғри экан, битта имошорада Ойхондек тул хотин меники бўлди-қолди» деб ўйлаб ўз-ўзидан янада мағрурланиб қўйди. Аввал пинҳона, сўнг ошқора Ойхоннинг олди-га келиб-кетишлар самараси ўлароқ яна бир гўдак дунё юзини кўрди. Ойхон онаси билан яшаётган эди. Жажжи қизалоқ кексаларни ҳам хурсанд қилди. Бир куни Ойхон даласидаги жўхорини сотди. Кейин тракторчи билан жўхорини сотиб олаётган кишини уйига таклиф этди. Савдоси унумли бўлгани учун Амаг бир шиша ароққа пул беришини айтди. Тракторчи йигит ҳам ундан кам бўламанми деб бир шиша ароқ учун пул берди. Ойхон зудлик билан газак тайёрлаб, уларга улфат бўлди. Улфатчилик қизиган пайтда Икром келди. Жазманининг бегона эркаклар билан шакарғуфторлик қилиб ўтирганини кўрган Икром рашк оловида ёнса-да, икки кишига кучи етмаслигини сезиб дамани ичига ютди. У ҳам даврага қўшилди, сўнг меҳмонларнинг ҳурматино жойига қўйиб кузатиб қўйди. Лекин вужудда ёнаётган рашк алангасини ўчиришга ўзида куч топа олмади. Жаҳл келса, ақл кетди, деганларидек инсонийлик қиёфасини йўқотган ваҳший аввал Ойхонни, сўнг кексаларни ва болаларни пичоқлаб ўлдирди. Энг даҳшатлиси, ўз пушти камаридан бўлган, бешикда осуда ухлаб ётган қизчасига ҳам раҳм қилмади... Ярим тундаги даҳшатли ёнғиндан бутун овул

оёққа қалқди. Зудлик билан етиб келган ёнғин ўчириш ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан олов тизгинланди. Аммо уй ичидан бешта жасад ва митти қўлчанинг топилиши қалбларни ларзага солди. Гумондор тариқасида суриштирув ишларига жалб этилган Икром ўзига сув юқтирмасликка ҳаракат қиларди. У қотиллик содир этилган кун ҳақиқатан ҳам Ойхоннинг хонадонига боргани ва жўхори сотиб олувчилар билан ароқ ичгани, кейин уларни кузатиб қўйиб, ўзи ҳам уйига қайтганини билдирар ва хотини ҳам

манглар! — деб уввос солиб йиғлаб юборди аёл.

Қотил қилмишига яраша жазосини олди.

Турткўл туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Қурбанияз Жумагелдиевнинг хизмат фаолиятида бундай жиноятларни фош этиш билан боғлиқ мисоллар талайгина. Айниқса, у ЖК ва УЖҚКГ тезкор вакили бўлган пайтда бундай ҳолатлар жуда кўп бўлган. Унинг ички ишлар ходими бўлиш ниятини пайқаган ота-онаси фотиҳа бериб, дуо қилишганди. 1983 йили илк хизмат фаолиятини Эллиққалъа тумани ИИБ паспорт столи инспекторлигидан бошлаган Қурбанияз кейинчалик вояга етмаганлар билан ишлаш гуруҳи, давлат автомобиль назорати инспектори, тезкор вакил, Эллиққалъа ва Турткўл тумани ИИБлари ЖК ва УЖҚКГ катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилди.

Бугун Якупбой ака ва Жамила опа фарзандининг тўғри йўл танлаганига амин бўлишиб, қувончларини яширишмайди. Чунки, Боғибек ва Шодибеклар ҳам акаси Қурбаниязга эргашиб, ички ишлар ходими бўлишди. Боғибек профилактика инспектори, капитан, Шодибек қўриқлаш хизматида самарали хизмат қилиб, сержант унвонига истеъфога чиқди. Қурбаниязнинг ўғли Абдулхамид ҳам ота изидан бориб, бу йил ИИБ Академиясини муваффақиятли якунлаб, Нукус шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимига фаолият кўрсатмоқда, лейтенант. Ички ишлар идоралари ходимлари куни Жумагелдиевлар оиласида қўшалоқ байрамга айланди. Овул аҳли Қурбаниязни дуо қилиб, шундай фарзандни тарбиялаб вояга етказган Якупбой ака ва Жамила опани қутлашди. Чунки бу шодибек арафасида майор Қурбанияз Жумагелдиев Президентимиз Фармонида кўра «Жасорат» медал билан мукофотланганди.

**Дурдибой ҳудойшукуров,**  
ўз мухбиримиз.

## СОҶАМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# ЁШ БЎЛСА-ДА, КЎПГА БОШ

Навоий тоғ-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси тасарруфидидаги 3-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди 1-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми комбинатга қарашли ўта муҳим ва тоифаланган корхона ҳамда масканларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга масъул.

— Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал, — дейди шу қисм смена бошлиғи, капитан Нуриддин Узоқов.

Нуриддин ёш раҳбар бўлишига қарамай, қўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанлиги, тиришқоқлиги, интилув-

чанлиги ва хушмуомалалиги билан қисқа вақт ичида нафақат қисм, балки отрядда обрў-этиборга сазовор бўлди. У хизмат вазифасига виждонан ёндашиб, раҳбарият томонидан берилган барча топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажариб келмоқда.

Капитан Нуриддин Узоқов 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг бакалавр босқичини муваффақиятли тамомлаб келгач, хизмат фаолиятини Навоий вилояти ИИБ ЁХБда бошлади, кейин-



чалик эса ҳозирги лавозимига ўтказилди. У олий таълим муассасасида олган билимини смена шахсий таркибини

тарбиялаш, ўқитиш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалти-

риш, ёнғин ўчириш автомобилларининг доимий техник созилини таъминлаш, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратиб келмоқда.

— Нуриддин Узоқов ёш раҳбар бўлишига қарамай, барча куч ва имкониятларини хизматнинг биринчи куниданоқ тўғри ишга солиб, айниқса, ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаб келаётган ҳамкасбларимиздан бири, — дейди бошқарма ёнғин ўчириш штаби бошлиғи, подполковник

Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ ЁХБ ҲЕХК смена бошлиғи, капитан Қодир Жарқинов хизмат фаолиятини 1993 йили оддий инспекторликдан бошлаганди. Жасурлиги, хушмуомалалиги, дўстларга ёрдам беришга ҳамisha тайёрлиги туфайли жамоада ҳурмат-этибор қозонди. Касб сир-асрорларини пухта, тиришқоқлик билан ўргангани боис, кўп ўтмай қисм смена бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, кейинчалик қисм бошлиғи этиб тайинланди. Албатта, бу лавозим ходимдан катта масъулият талаб қилиш билан бирга, бир қатор мажбуриятларни ҳам юклайди. Энг асосийси, қийин дақиқаларда тўғри ва тез қарор қабул қилиш, қўл остидаги ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётига жавобгарликни ҳис этишдир.



# ШОГИРД ЭДИ, УСТОЗ БЎЛДИ

Қ. Жарқинов хизмати давомида кўплаб давлат ва шахсий мол-мулкларни сақлаб қолиш баробарида ходимларнинг ҳам оловдан шикастланишининг олдини олган.

Унинг мазкур касбни танлашида мактабда ёнғин хавфсизлиги мавзусига бағишлаб ўтказилган турли танловлар, викторина, учрашув ва савол-жавоб кечалари туртки берган. Ўғлининг ўт ўчирувчи касбини танлаганини билган отаси — она тили ва адабиёти ўқитувчиси Али ака: «Бу касб шарафли бўлиб, одамлар меҳри ва ҳурматини қозониш учун ҳалол ва виждонли ходим бўлишинг керак», деганди. Отанинг бу ўғити Қодир учун умр шioriга айланди. Жамоада, эл-улус ўртасида обрў қозонди. Унинг меҳнатлари халқимиз, Юртбошимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан «Жасорат» медал билан тақдирланди.

Қ. Жарқинов устозлари — истеъфодаги подполковник

К. Ҳамдамов ва истеъфодаги капитан Х. Ҳамроевни чуқур ҳурмат билан тилга оларкан:

— Устозларимнинг кўрсатган йўл-йўриқ ва берган ўғитлари туфайли шундай мартаба ва унвонларга сазовор бўлдим, — дейди камтарлик билан.

Бугун капитан Қ. Жарқиновнинг ўзи ҳам ёшларга мураббий. Капитанлар Р. Набиев, Н. Меликов, кичик сержантлар А. Мавлонов, Ф. Эргашев каби ходимларга касб сир-асрорларини ўргатишдан чарчамайди.

Қ. Жарқинов турмуш ўртоғи Гуландом билан тўрт ўғилни эл-юрт қорига ярайдиган қилиб тарбиялашмоқда. Тўнғичи — Абуабакр отасининг изидан боришга аҳд қилган.

Ёшлари саксондан ошган ота-онаси — Али ака ва Зулфия опа ўғли Қодирнинг юксак давлат мукофотига сазовор бўлганини эшитиб, кўзларида севинч ёшлари қалқиди. Кексалар яратганга шукроналар айтиб, юртимизга тинчлик, ходимларнинг касбу қорига барака тилаб, дуо қилдилар.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА,**  
ўз мухбиримиз.

Зафарбек Раимов. — У режа асосида ёнғин ўчириш тактик амалий машғулотларни ўз вақтида ташкиллаштиришга эришяпти.

Бундан ташқари, смена бошлиғи мунтазам равишда шахсий таркибининг жанговар шайлигини текшириб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бўлинма командирларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Хизмат йўналишига тааллуқли барча меъёрий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда юритилишини ҳам назорат қилади. Бир сўз билан айтганда, у ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаёпти.

**Сўнмас ШОДМОНОВ,**  
майор.

## САҲИФАДА – ТОШКЕНТ ШАҲРИ

(Давоми.)

Бошланиши 1-бетда).

Албатта, аҳолиси кўп миллионли, республикамизнинг турли вилоятлари, шунингдек, хорижий юртрлардан кўплаб меҳмонлар ташриф буюраётган, деярли ҳар куни спорт ёки маданий тадбирлар, сиёсатдонлар ва тадбиркорлар учрашуви ўтказилаётган шаҳарда ички ишлар ходимлари учун тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш осон кечмайди, албатта. Ички ишлар идоралари бўлинмалари фаолияти ҳамда соҳавий хизматларнинг ҳамкорлиги яхши ташкил этилаётгани, биргаликдаги тадбирлар режаси кўнгилдагидек ишлаб чиқилаётгани йилнинг ўтган даврида пойтахтимизда жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар кам қайд этилди. Қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, оила-турмуш доирасидаги жиноятлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, босқинчилик, талончилик ва ўғирлик жиноятлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қисқарди. Улим ҳолатига олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисалари кам содир этилди. Йилдан-йилга транспорт воситаларини олиб қочиш ҳолатларига ҳам чек қўйилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, йилнинг ўтган даврида профилактика хизмати ходимларининг саъй-ҳаракати билан вояга етмаганлар ва муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этилиши ҳолати камайди. Жамоат жойларида тартиб-интизом сақланиши яхшиланди. Тезкор хизматлар жиноят содир этиб, тергов ва суд идораларидан яшириниб юрган шахсларни қидириб топишда яхши кўрсаткичларга эришишди. Шунингдек, одам савдоси билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва тегишли чора кўришда яхши натижалар қўлга киритилди. Бироқ фирибгарлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг айна пайтдаги вазифамиз ушбу йўналишдаги ишларимизни кучайтиришдан иборат.

– **Ковилхон Усмонхонович, ички ишлар идораларида тўпланган тажрибалар турли кўринишдаги жиноятларга қарши курашишда қандай усул ва услублар мақбул эканлигини кўрсатмоқда?**

– Бу борада айниқса, профилактика хизмати самарали эканлиги яққол кўзга ташланди. Зеро, Президентимиз жиноятни очишдан

тик тадбирлар ташкил этиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш каби кўплаб вазифаларни оқилона бажариб келаяпти. Шу боис ҳам вазиримиз томонидан **2008 йил – Ички ишлар идораларида профилактика йили**, деб эълон қилинди.

Паспорт-виза қоидалари ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш зарурки, пойтахт ИИББ ХЧК ва ФРБ ҳамда унинг бўлинмалари томонидан юртимиз фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизга таълим олиш, тижорат билан шуғулланиш ёки савоҳат учун келган чет элликлар белгиланган тартиб-қоидаларга қандай риоя қилинаётгани назорат

ризмаётгани, келишмовчиликларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этишаётгани ва шу орқали жиддий ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйишмаётгани мақтовга лойиқдир. Бунинг натижасида йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳ-

публика Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлардир. Шу муносабат билан ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига қатор вазифалар юклатилган. Улар байрам куни ва сайлов кампанияси даврида ҳуқуқ-тартибот ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъулдирлар. Айна пайтда шаҳарда «Тозалаш-Антитеррор», «Паспорт», «Тун» ва бошқа тезкор-про-

филактик тадбирлар ўтказилаяпти. Бундан турли хил ҳуқуқбузарликлар, жиноят содир этилишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаб, бартараф этиш мақсади кўзланган.

– **Ички ишлар идоралари фаолиятида самарадорликка**

дунёқараш ва қобилияти билиб олинади.

Ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган яна бир аъна бу ички ишлар идоралари фахрийлари, ногиронларни йўқлаш, кўп йиллар қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган инсонлар, шунингдек, хизмат пайтида ҳалок бўлган ҳамкасбларимизнинг оиласига ёрдам кўрсатилаётганидир.

– **Сўнги саволим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Бир йилдан ортиқ вақтдан буюн бош бошқармаимизда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлим ходимлари томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, бошқа хизматлар билан ҳамкорликда мунтазам анжуманлар, дара суҳбатлари, ўқув семинарлари, семинар-тренинглари ташкил этилаяпти. Бундан кўзланган мақсад, ҳам ходимлар, ҳам аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий билимларини оширишдан иборат.

Айниқса, фуқароларнинг муурожаатлари бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш зарур. Бош бошқармада фуқароларни қабул қилишга мўлжалланган хона ташкил этилган бўлиб, бу ерга тошкентликлар, шунингдек, пойтахт меҳмонлари муурожаат қилиши мумкин. Уларни белгиланган жадвал асосида шаҳар ИИББ раҳбарлари қабул қилишади. Бундай хоналар ҳар бир туман ИИБларда ҳам мавжуд. Шу тариха фуқароларнинг бирорта аризаси, шикоят эътиборсиз қолдирилмай, мавжуд муаммолар тезкорлик билан, имкони бўлса шу ернинг ўзида ҳал этилаяпти.

Халқ ишончини қозониш учун шунга муносиб равишда хизмат қилиш керак. Бунга эса ҳалол меҳнат, ёрдам сўраб келган одамларни қўллаб-қувватлаш орқали эришилади. Ҳамюртларимиз ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир инсонлар борлигини ҳис қилишсагина ички ишлар идораларига нисбатан ишонч ва ҳурматлари ошади. Шу боис бизнинг асосий вазифамиз пойтахтда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни мунтазам такомиллаштириб боришдан иборат. Шу маънода, ҳар бир ходим ички

**Зеро, Президентимиз Ислоҳ Каримов жиноятни очишдан кўра, унинг олдини олиш афзал, деб таъкидлаган эдилар.**

ризмаётгани, келишмовчиликларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф этишаётгани ва шу орқали жиддий ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйишмаётгани мақтовга лойиқдир. Бунинг натижасида йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳ-

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

қилиб борилаяпти. Бундан ташқари, маҳаллалар, корхона ва муассасаларда ҳам паспорт тартиботи бўйича тегишли тадбирлар ўтказиш диққат марказида. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун плакатлар, видеороликлар ва бошқа оммавий тарғибот воситаларидан унумли фойдаланилаётгани яхши натижа бераяпти.

Ички ишлар идораларининг ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Ушбу хизматлар вакиллари томонидан аҳоли ўртасида, шунингдек, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртрларида тушунтириш ишлари олиб борилаётгани йўл-транспорт ҳодисалари ва ёнгинлар сони камайиб боришида муҳим омил бўлаяпти.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг ўрни каттадир. Зеро, улар доимо фуқаролар орасида бўлгани учун мавжуд муаммоларни ҳал этишга яқиндан ёрдам беришаяпти. Бу

ридаги 474 та маҳалланинг 20та-сида умуман жиноят содир этилмади. Бу эса ички ишлар ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги меваси, деб ўйлайман.

Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги Ё. Зиёев маҳалласида икки ярим минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунинг учундан бир қисми болалар, ўсмирлар ва ёшлардан иборат. Яққасарой туман-

эришишда ёш ходимлар тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар ходимларининг касб байрами муносабати билан шаҳар ИИББнинг етти нафар ходими орден ва медаллар билан тақдирланди. Ёшлар улاردан ўрнак олса арзийди. Шундай эмасми?

– Биз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ҳамкасбларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда нафақат ёшлар, балки маълум муддат хизмат қилган ходимлар ҳам уларга тенглашиб, касбга садоқатли бўлиш ва хизматга масъулият билан ёндашишга ҳаракат қилишаяпти.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар идораларида қарор топган мураббийлик мактаби, бу борадаги аъналар янада ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Шахсий таркибни тарбиялаш, айниқса, хизматга янги қабул қилинган ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, жанговар, жисмоний ва махсус тайёргарли-



нидаги Юнус Ражабий маҳалласида эса 4 минг нафарга яқин аҳоли бор. Турли феъл-атворга, ҳар хил дунёқарашга эга бўлган шунча одамлар билан ишлаш катта маҳорат талаб этади. Бунга муваффақиятли эришилаётгани сабабли ҳар икки гўшада ҳам намунали ҳуқуқ-тартибот ўрнатилган, хонадонларда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Ҳозирда амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилаётган шахслар ўртасида муайян ишлар олиб борилаяпти. Бош бошқарма қошида амнистия бўйича ички гуруҳи штаби тузилган. Шундай гуруҳлар туман ИИБларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Жазони ижро этиш муассасасидан қайтаётган фуқароларни олдиндан билган профилактика инспекторлари уларнинг оиласидаги шарт-шароитлар билан танишиб, ҳокимликлар қошидаги ижтимоий кўникма марказлари билан боғланишмоқда. Шу тариха уйига қайтган маҳкумлар моддий ёрдам олиши, тиббий кўриқдан ўтиши ва ишга жойлаштиришга яқиндан ёрдам берилаяпти.

Бугунги кунда пойтахт ички ишлар идоралари учун яна қандай масалалар долзарб, деган саволнинг тугилиши табиий. Бу яқинлашаётган Конституция куни ҳамда рес-



гини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Кўп нарсанинг ўз вазифасига қандай ёндашишга боғлиқ. Шу боис шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда улар билан яқка тартибда суҳбатлашишни йўлга қўйишган. Бунда номзоднинг шахси ўрганилиб,

ишлар идораларининг обрў-эътибори шахсан ўзига ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб етиши талаб этилади.

**И. САЙФУТДИНОВА суҳбатлашди.**

**Суратларда: шаҳар ИИББ ҳаётидан лавҳалар.**

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**



кўра унинг олдини олиш афзал, деб таъкидлаган эдилар. Шундан сўнг илгари фаолият юритган участка инспекторларини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилиб, ўрнига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш институти жорий этилди. Ўтган вақт мобайнида ушбу хизмат ходимлари жиноятларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида профилакти-

борада жамоат ташкилотлари – маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар кўмагига таяниб иш кўрилаётгани катта аҳамият касб этмоқда.

Профилактика инспекторлари-

## 27 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

**2009 йил 14 ноябрь** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш тугалланадиган кун.

**2009 йил 17 ноябрь** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини тузиши лозим бўлган кун.

**2009 йил 21 ноябрь** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тугалланадиган кун.

**2009 йил 11 декабрь** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига манфаатдор ташкилотлар томонидан ўз кузатувчилари тўғрисида маълум қилишлари лозим бўлган сўнгги кун.

**2009 йил 12 декабрь** – Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тақдим қилиш лозим бўлган сўнгги кун.

**2009 йил 17 декабрь** – Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиш лозим бўлган охириги кун.

**2009 йил 20 декабрь** – Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида тақдим қилиш шарт бўлган сўнгги сана.

**2009 йил 26 декабрь** – сайловолди ташвиқоти тугайдиган кун.

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

– Сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловчилар хоҳиш-иродасини эркин ва яширин билдириши белгиланган. Ҳам эркин, ҳам яширин, деган ибораларни қандай тушуниш мумкин?

– Қонунда сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши, шунингдек, яширин овоз бериш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизнинг бутун ҳудудида ташкил этиладиган барча участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этадилар ва бу жойларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун шароит яратадилар. Овоз бериш яширин амалга оширилади. Фуқароларнинг овоз бериш ва ўз иродасини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

– Сайлов жараёнида ошкоралик қандай таъминланади?

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасига кўра бутун сайлов кампанияси кенг ошкоролик асосида ўтказилади.

ралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкалари, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақти, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади.

– Сайловолди тадбирларда сайловчиларнинг ҳуқуқлари қандай қафолатланган?

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда сайловолди тадбирлари сайлов кунига қадар ўтказиладиган ташкилий кўринишдаги фаолият бўлиб, номзодларнинг дастурлари билан танишиш ҳуқуқи, ижтимоий фаоллик кўрсатиш, зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳуқуқлари қафолатланган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига кўра сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томони-

дан мустақил равишда ўтказилади. Ушбу йиғилишлар ўтказиладиган жой ва вақт қоида тарихида участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этиш, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган жой ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

**Саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ жавоб берди.**

## ДАЪВО АРИЗАСИ

### ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Судья аризангизни қабул қилиб, фуқаролик иши кўзгатишдан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди.

### Ёдда тутинг!

Судьянинг қабулига келишдан олдин ишни кўриб чиқишда қайси ташкилотларга қандай ҳужжат тақдим қилишингиз, кимларни суд мажлисига гувоҳ сифатида тақдим қилишингизни ўйлаб, аниқлаб олишингиз мақсадга мувофиқдир.

Ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари куйидагилардан иборат:

– тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

– тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек, низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бошқа фактларни аниқлаш;

– ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

– ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

● **Ишни тайёрлаш тартибиде тарафлар сўроқ қилиниши мумкинми?**

Ишни судда кўришга тайёрлашда судья:

а) даъвогарни арз қилган талабларининг моҳияти бўйича сўроқ қилади;

б) даъвогардан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлайди;

в) даъвогарга зарурати бўлса, қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади;

г) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлигини ва воз кечишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

д) қоида тарихида, жавобгарни чақириб, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўроқ қилади;

е) даъвогарнинг талабларига қарши жавобгарда қандай эътирозлар борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди;

ё) жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши талаблар тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради;

ж) алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилади;

з) тарафлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди;

и) келишув битимининг ҳуқуқий оқибатларини тарафларга тушунтиради.

### Ёдда тутинг!

Жавобгар суд мажлисига келмаганлиги ҳамда ёзма тушунтиришлар ва далиллар тақдим этмаганлиги ишдаги мавжуд далиллар асосида ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Статистик маълумотларга кўра, республикамизда ҳар йили 15 мингга яқин ёнғинлар содир бўлади. Ушбу кўнгилсиз ҳодисанинг 80 фоиздан ортиғи аҳоли турар жойлари зиммасига тўғри келади.**

Ёнғин хавфсизлиги қисмларининг жанговар экипажлари 2008 йил мобайнида 14590 та ёнғинни бартараф этишга чиқиб, 11797 та ёнғинни бошланиш даврида бартараф этишга муваффақ бўлишди. Ёнғинларда 173 нафар инсон ҳаёти, 149 бош чорва моллари ва 159 та техника ҳамда 87 миллиард сўмдан ортиқ моддий бойликлар асраб қолинди.

2008 йил мобайнида давлат ёнғин назорати органлари томонидан 25 мингдан ортиқ ёнғиннинг олди олинди ёки 7,5 миллиард сўмдан ортиқ моддий бойликлар сақланиб қолинди.

Мустақилликкача бўлган даврда жамият ҳаётининг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича мавжуд шакллари замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермас эди.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришилгач, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликни янада ривожлантириш принципа асосини яратадиган ягона қонун ҳужжати сифатида «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш зарурияти юзга келди.

Қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун давлат ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими фаолияти, уни амалга оширадиган идоралар фаолиятининг ягона методологик асосини яратиш имконини берди.

Ушбу Қонун ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар тизими, унинг кучлар ва воситалар мажмуидир. Унга кўра, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими субъектлари этиб давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар белгиланган.

Ёнғин хавфсизлиги масалалари жамоат хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунинг замирида табиий ва техноген омиллар таъсири оқибатида бошланиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш мақсадида жамоат томонидан белгиланган махсус, ташкилий-техник қоидаларга амал қилинишидан келиб чиқадиган муносабатлар тизими тушунилади.

Ушбу Қонун ёнғин хавфсизлиги иш фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ саволларга ечим топиш билан бирга мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш, янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш имконини ҳам яратади.

Мазкур Қонуннинг мақсади ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ёнғин хавфсизлигини

ларга ечим топиш билан бирга мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш, янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш имконини ҳам яратади.

Мазкур Қонуннинг мақсади ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ёнғин хавфсизлигини



таъминлаш бўйича умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди ва ушбу соҳада давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонунни тайёрлаш жараёнида хорижий давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Беларусия, Латвия ва бошқа давлатлар тажрибалари ўрганилди. Қонун 6 та боб ва 40 та моддадан иборат.

Биринчи бобда, Қонуннинг мақсади, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими, шунингдек, қонунда қўлланиладиган бир қатор тушунчалар ёритилган.

Иккинчи бобда, давлат ва бошқа органларнинг ваколатлари белгиланган. Олий ва қуйи давлат органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фаолияти давомидаги ваколатлари, бурч ва вазифалари, айна чоғда фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқлари, мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қонуннинг учинчи боби ёнғин хавфсизлиги таъминлашига бағишланган. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш, ушбу соҳада ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий масалалар, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (14-модда)га бағишланган вазифалар ҳам алоҳида баён этилган. Унда қонун ҳужжатларига, шунингдек, амалдаги норматив ҳужжат-

ларга мувофиқ ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари ишлаб чиқиши, ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа масканлар лойиҳалаштириладиганда улардаги мол-мулкларни сақлаб қолишга хизмат қилувчи ечимлар назарда тутилиши аниқ кўрсатиб берилган.

Шунингдек, қонунчиликда илк бор аҳоли яшаш пунктларида ёнғин ҳақида хабарларни олиш учун телефон тармоқларида «01» ягона рақамининг ўрнатилиши қайд этилган.

Қонуннинг тўртинчи боби, ёнғиндан сақлаш хизматида бағишланган бўлиб, унда хизматнинг асосий вазифалари белгиланган ва ёнғиндан сақлаш хизматининг турлари (давлат, идоравий ва кўнгилли) ёритилган.

Ёнғиндан сақлаш хизматининг асосий тури ҳисобланган давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, шу жумладан, мазкур штат лавозимларида турувчи ички ишлар идоралари ходимла-

ри ҳамда махсус унвонга эга бўлмаган ёнғин ўчиришда бевосита қатнашадиган хизматчиларни ўз ичига оладиган унинг шахсий таркиби алоҳида ёритилган.

Қонуннинг бешинчи боби ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилинишини текшириш мақсадида, давлат ва идоравий ёнғин назоратлари томонидан амалга ошириладиган ва натижаси бўйича чора кўрадиган ёнғин назоратига бағишланган.

Яқунловчи олтинчи бобда, давлат, идоравий ва кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизматларининг молиявий ва моддий-техник таъминоти ёритилган бўлиб, ушбу бобда алоҳида моддалар билан ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кўрсатиб ўтилган.

Эндиликда Қонун билан танишиб чиққан ҳар бир киши ёнғин хавфсизлигини таъминлаш биргина соҳа – Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳаммининг ва ҳар бир идора ва ташкилотнинг муайян вазифаси бўлиб қолганлигини аниқлайди.

Қонун – ўз ҳолича бунёд бўлмайди. Балки, у жамият ҳаётидаги зарурий ҳақиқат бўлиб дунёга келади. Бу ҳақиқат замирида эса давлат ва жамият манфаатлари ётади. Ана шу манфаатларни ҳимоя қилувчи «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва амалда жорий этилаётганлиги мамлакатимиз бойлиги бўлган халқимиз ва унинг моддий-маънавий мулкларини ёнғин офатидан муҳофаза этилишида ҳамisha ва ҳамма вақт керакли ҳужжат бўлиб қолади.

**Миркомил МИРФАЙЗОВ, ИИБ ЁХББ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник.**

## СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ САБОҚ

**Ижтимоий ҳаётнинг қамрови кенг. Инсон ором олиб, зориқмай, бекаму кўст яшаш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини таъминлаш учун яратилдиган имкониятлар ижтимоий ҳаётнинг равнақ топишига хизмат қилади. Бироқ бу имкониятларни тўла-тўқис ишга солиб, ором ва роҳат-фароғат дунёсида сарвар бўладиган давлат ҳам, жамият ҳам йўқ. Ижтимоий ҳаётнинг тарраққиёт даражаси турлича бўлиши мумкин. Энг муҳими, ижобий ўзгаришлар қилиш учун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ яшашга эришиш зарур.**

Баъзи бировлар яхшироқ яшаш деганда дабдабали ҳаётни, яъни музей-сифат ҳашаматли иморату кўша-кўша дала ҳовлиларни, қимматбаҳо чет эл машиналарида юришу хорижда ҳордиқ чиқариш, тўй ва маъракаларни ресторанларда ўтказишу тугилган чақалоқни қора рангли машиналар эскортда шаҳар бўйлаб айлантиришни тушунишади. Йўқ, булар халқимиз асосий қисмининг ижтимоий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлардан кўра, ўша баъзи бировларнинг ўз бойликлари, манманликлари ва такаббурликларини кўз-кўз қилишга, хайр-саховат кўрсатиб, савоб олиш ўрнига исрофгарчилик қилиб мақтанишларидан бошқа нарса эмас.

Хўш, оддий халқнинг ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда?! Аввало, тўқинчилик ва тўқчилик. Бозорларни ва дўконларни айлансангиз кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳан энгил тортасиз, шукроналар айтасиз, ўтган даврларни эслаб бола-чақа, не-вара-чевараларга насиҳат қиласиз.

Ҳозир бозорда ҳам, дўконда ҳам нарсалар саралаб, савдолашиб оладиган даражада бисёр. Сотувчининг кўзига эътибор беринг, бирор нарса олармикан, деб сизга термулиб туради! Қишлоқларда боғ яратиб мева етиштирмаётган, озгина томорқасида ҳам иссиқхона қуриб, сабзавот-полиз маҳсулотлари экмаётган, чорва моллари боқиб, юртимизни гўштга ва сутга сероб қилмаётган хонадонлар қолмапти ҳисоб. Ўзбекистондаги тўқинчилик ва мўл-кўлчилик мустақиллик йилларидаги ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришларнинг энг улуғидир.

Яратганга шукур, юртимизда нон сероб. Бу серобчилик, тўқинчилик рамзи. Бу йил ҳам донимиз мўл бўлди. Юртбошимиз ўтган йили галлакорларга йўллаган тарабига бизда нон қай даражада қадрланишига эътибор қаратиб, шундай деган эди: «Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кўзига тўтиё қилиб яшайди. Нонни мўътабар деб қадрлаш, унинг ушогини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган, тарихий хотирамиздан чуқур жой олган, десак, асло муболага бўлмайди. Дарҳақиқат, нон

биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир. Асрлар давомида шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншоолло».

Айрим одамларда шундай савол тугилиши мумкин: юртимизда нон сероб, тўқинчилик ва тўқчилик экан, нега тиланчилар

дай қилмасак, мўмин-мусулмон ва диёнатли инсон эканлигимиз қаёқда қолади?! Ҳозир орамизда ўзига тўқ кишилар кўп. Ниятимиз уларнинг сони янада кўпайсин. Болалар ва қари-ялар уйларига хайр-эҳсон қилаётганлар, мол-қўй сўйиб ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга гўшт таркатаётганлар, бировларнинг фарзандлари ўқиши учун контракт пулини тўлаётганлар ва бошқа саховатли инсонлар ҳақида кўп эшитяпмиз. Бойлар ҳар бир кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарда истаганингизча топилади. Агар улар саховатпешалар сафига қўшилсалар, ишончимиз комил, орамизда муҳтожлар қолмайди. Тўқинчилик ва тўқчиликка бурканган юртимизга шу ярашади. Ўтган улуг

да тарбиявий ишларни кучайтириш зарур. Айниқса, тўйлар ва бошқа маъракамаросимларда исрофгарчиликнинг олдини олиш керак. Ҳар бир инсон ва ҳар бир оила унинг ушогини ҳам исроф қилмасин.

Тўғриси, ижтимоий ҳаёт ҳақида гап борса, одамлар нарх-навони кўп тилга олишади. Бошқа давлатларга, ҳеч бўлмаганда, қўшни мамлакатларга қиёслаш, маҳсулотни етиштиришдаги меҳнат машаққатлари, сарфланган харажатлар ҳақида ўйлаш йўқ, фақат «нега қиммат» деган сўзни эшитасиз. Ёки, баъзи бировлар бошқа жойлардаги нарх-наво билан мутлақо қизиқишмайди-да, фалон давлатда иш ҳақи фалон минг доллар экан, деб ваҳима қилишади. Келинг, ҳисо-

ни фермерлардан ёки шахсий томорқа эгаларидан эмас, балки «тадбиркор»лардан кутиш керак.

Айтмоқчимизки, ижтимоий ҳаётда нарх-наво билан боғлиқ барча масалаларда давлат ўтказётган халқчил сиёсатга, юз бераётган ўзгаришларга, одамларнинг харид имкониятларини оширишга соя солмоқчи бўлаётганларга қарши биргаликда кураш-саккина нарх-наво борасидаги турли гап-сўзларга барҳам бера оламиз. Бунинг учун бутун масъулият, аввало, назорат идоралари ва назоратчилар зиммасига тушади. Масжидларда, маҳаллаларда, давлат ва нодавлат идораларида, ўзаро муносабат ва мулоқотларда ноинсофларни инсофга чақирадиган вақт келди.

Ижтимоий ҳаётга дахл-

ларда туя боқиб кун кечираётган араблар бор. Ҳатто Саҳрои кабирдаги бадавийлар ҳам бекаму кўст яшашнинг уддасидан чиқшияпти. Бизнинг еримиз, тупроғимиз, табиатимиз эса бутунлай бошқача. Бу жаннатмакон юртда дур ундириш катта машаққат талаб қилмайди. Фақат ерга меҳр қўйиш керак. Юрт қадри азиз, миллат шаъни ундан-да азиз.

Яшириб нима қиламиз, баъзи идора, муассаса ва ташкилотларда ишлаб турганларнинг сонини қисқартириш масаласига энгил-елпи қаралади. Ҳар бир ходимга индивидуал ёндашиш керак. Оилада ўзидан бошқа боқувчиси йўқ, ёш фарзандлари кўп, қарамоғида касалманд ота-онаси ёки ногирон қариндоши бўлган, уй-жой таъминоти яхши бўлмаган ва ёрдамга муҳтож, ишда ибрат бўладиган ва касбий маҳорати юқори булган ходимларни иложи борица сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бироқ кўп ҳолатларда шундай бўлмайди. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик, сиздан угина, мендан бугина қабилидаги муносабат устунлик қилади. Ёки, дангаса ва қобилятсиз бўлса-да иккиюзламачи, мунофиқ, хушомадгўй, сохта салоқатини тилда намоён қилишнинг уддасидан чиқадиган ходимлар сақланиб қолади. Сўзсиз, орадан бироз вақт ўтиб бундай ходимлар панд беради. Бунга нафақат ишлаб чиқаришда ёки бошқарув тизимларида, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида мисоллар кўп.

Биз ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга ҳамда муаммоларга дахлдор айрим масалаларнигина тилга олиб ўтдик. Бироқ бир мақолада ҳамма масалани ҳисобот тарзида бирма-бир тилга олишнинг имкони йўқ. Президентимиз кўп марта таъкидлаганидек, иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий ҳаётни яхшилаш йўлида нима ишлар қилинаётган бўлса, ҳаммасидан кўзланган мақсад битта — халқнинг фаровонлигини таъминлаш. Ана шу олий мақсад йўлида амалга оширилатган ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини кўриб турибмиз. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб, юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бормоқда.

Шунинг учун бугунги кунимизга шукрона айттайлик ва камчиликлар бўлса бирга бартараф этайлик. Аллоҳ фикрлаш учун ҳар бир инсонга ақл-идрок берган. Шундай экан, ҳеч қачон фикрлашдан хулоса чиқармайлик. Сабр-қаноат эса шукроналик ифодаси. Энг асосийси, эзгу ишда аввало, ўзимиз бошқаларга ўрнатилган бўлайлик.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ЎЗГАРИШЛАРИ



бор? Улар Европадаги тарраққий этган давлатларда ҳам кўп. Айрим давлатлар бу муаммонинг ечимини топишолмапти. Чунки, Европада лўлилар ижтимоий гуруҳ сифатида шаклланиб, барча мамлакатларга тарқалиб кетган. Россияда эса асосан ароқхўрлар ва гиёҳвандлар тиланчилик қилишади. Бизда бўлса маҳаллий лўлилар, гиёҳвандлар, бошқа миллатлардан бўлган ароқхўрлар, ҳатто компьютер ўйинлари учун пул сўраб юрадиган ёш болалар ҳам бор. Уларга нон ёки овқат тугул, ҳатто бир кило конфет ёки печенье берайин десангиз олмайди, фақат пул сўрайди.

Аммо бир ҳолатни очик эътироф этишимиз керак, яъни орамизда касаллик, ногиронлик, ёрдамга муҳтожлик туфайли қийналиб қолаётган одамлар, кўп фарзандли ва кам таъминланган оилалар ҳам бор. Уларга давлатнинг нафақаси ва ёрдамидан ташқари биз, яъни ҳар биримиз ҳам имкон қадар хайр-саховат кўрсатишимиз зарур. Шун-

ажодларидан инсонпарварлик, меҳр-муруват, ҳикмат даражасидаги донолик мерос бўлиб қолган халққа шу муносиб. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни ўз миллий ва маънавий қадриятларига таянган ҳолда амалга ошираётган инсонларга, юрт оқсоқолларига шу нарса маъқул. Зеро, муқаддас китобларда айтилганидек, ўзимиз нимани яхши кўрсак, шу нарсдан муҳтожларга ҳам берайлик.

Ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда ҳам нонни эъзозлашни унутмайлик. Нонда ҳикмат кўп. Нон бўлмаса турмуш фаровон бўлмайди. Буни айниқса, ёшлар онгига синдиришимиз зарур. Чунки, бугунги ёшларнинг аксарияти қийинчилик кўрмагани учун ноннинг қадрига унчалик етмайди. Деҳқон меҳнатининг машаққатларини билишмайди. Ўтган асрда юз берган очарчилик ва қийинчиликларни эслатсангиз, энсалари қотиб тинглашни исташмайди. Демак, қуруқ насиҳат уларга кор қилмайди. Афтидан, бу бора-

ботлару, газеталарда босилётган рақамларга эътибор бермайликда, ҳаётимисолларга мурожаат қилайлик. Аксарият хусусий дўконларда уннинг бир килоси август ойида 700 сўм бўлгани ҳолда бир ой ўтиб худди шундай ун айрим дўконларда 900-1100 сўмдан ошяпти. Хўш нега?! Бунга хусусий дўкон эгасининг ноинсофлиги сабаб. Бўлмаса бугдой ҳам арзон, энг муҳими, бозорда ноннинг нархи олдингидай. Дўкондор очкўз. Хорижда иш ҳақи фалон минг доллар деб ваҳима кўтарадиганлар ана шулар.

Ёки, бошқа бир мисол. Октябр ойида мен бир неча фермер билан гаплашдим. Улар бодрингнинг килосини 100 сўмдан, помидорнинг килосини 150-200 сўмдан улгуржи нархда ўтказишибди. Бироқ бозорлардаги «деҳқон акаю», «деҳқон опалар» бодрингнинг килосини 300-400 сўмдан, помидорнинг килосини 500-600 сўмдан кам сотишмади. Демак, жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Инсоф-

дор яна бир долзарб масала устида тўхталиб ўтамиз. Бутун жаҳонда муаммо бўлиб турган ишсизлик масаласини ҳал этишга Ўзбекистонда ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили режа асосида иш олиб борилганлиги натижасида олти юз мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шу йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, шунингдек, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига бир неча юз мингта янги иш ўринлари вужудга келди. Албатта, бу жараён давом этади. Бу масала ҳукумати-мизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва бошқа бир қанча шаҳарларда иш топаётган ёшлар сони ортиб борапти.

Қишлоқларда ҳам бу борала имкониятлар катта. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланиш ўзбеклар учун ота касб. Кунт қилганга ер ҳам, сув ҳам топилади. Минг-минг йиллардан бери янтоқзор-



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

## ҚҮЙ



Ҳафтанинг биринчи ярмида таваккал ишларга қўл урмасликни маслаҳат берамиз. Билимингизни мустаҳкамлаш, тажрибангизни ошириш масаласига жиддий эътибор берган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярми нисбатан омадли келиши кутилмоқда. Яхшиси, ижод билан шуғулланинг, битмаган режаларни, лойиҳаларни ишга солинг, муносабатларни мустаҳкамланг.

## СИГИР



Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми тер тўкиб ишлаш, мақсад сари интилиш, юқори натижаларга эришиш учун қўлай келишидан дарак берапти. Шахсий муносабатларда келишмовчилик бўлишининг олдини олиш лозим. Суғурта, ворислик, алимент, солиқ масалаларини ҳал этиш учун ҳафтанинг иккинчи ярми қўлай келиши кутуляпти. Худбинлик қилиб, мавқеингизни тушириб юборманг. Саломатликка ҳам эътибор бериш керак.

## ЭГИЗАКЛАР



Шахсий муносабатларни мустаҳкамлаш имкониятларидан фойдаланиб, дўстлар, атрофдагилар ўртасида мавқеингизни яхшилашга ҳаракат қилинг. Ишда билим, тажрибани қўллаб, ҳамкасбларга ўзингизни намён этиш вақти келди. Иш юзасидан муносабатларни ҳафтанинг иккинчи ярмида ривожлантириш зарур. Бироқ бегона кишиларга ишониб, алданиб қолишдан эҳтиёт булинг. Дўстлар билан мароқли суҳбат учун вақт ажратинг.

## ҚИСҚИЧБАҚА



Ҳафтанинг биринчи ярмида тасодифий учрашувлар бўлиши мумкин. Бироқ ҳаёт фақат романтикадан иборат эмаслигини эслатиб қўямиз. Оилала ҳам айрим муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ўзингизни қўлга олиб, ишга зўр берганингиз маъқул. Тадбиркорлар қўшимча даромад олишлари, ижодкорлар бошлаган ишини тугаллаши учун имкониятлар пайдо бўлади.

## АРСЛОН



Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида кўп мароқли мулоқот, суҳбатлар бўлишидан дарак берапти. Бу таниш-билишларни саралаб олиш, янги танишлар орттириш имкониятини тугдиради. Кўчмас мулк, уй олди-сотдисига доир ҳужжатларни расмийлаштиришга шошилмаган маъқул. Ижод қилиш, янги лойиҳалар тузишга ҳафтанинг иккинчи ярми қўлай келиши кутилмоқда. Оила даврасида дам олиб, куч-қувват тўплашга ҳам вақт ажратинг.

## БОШОҚ



Ишларни бирваракайига бошламасдан навбати билан киришсангиз, кўзланган натижага эришасиз. Оилادا муносабатларни яхшилашга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ажойиб учрашув кутяпти. Уйда саранжомлаш, қўлайликлар яратиш дилни равшан қилиб, руҳингизни кўтаришини эслатиб ўтамиз. Қисқа сайру саёҳатга чиқмай турган маъқул.

## ТАРОЗИ



Ҳафтанинг биринчи ярмида иш юзасидан муҳим аҳамиятга молик мулоқотлар бўлиши кутуляпти. Қисқа хизмат сафарига чиқишингиз лозим бўлади. Кўнгилоҷар тadbирларни кейинга қолдирган маъқул. Кўшимча иш топиб, яхши даромад олиш имконияти туғилиши мумкин. Саломатликни сақлаш учун, ҳафтанинг иккинчи ярми омадли саёҳатларга чиқиш учун қўлай.

## ЧАЁН



Юлдузлар оила аъзолари, қариндошларга худбинлик, зикналик қилмасдан саховат кўрсатишни маслаҳат берапти. Кўнгилли ҳордиқ чиқариб, куч-қувват тўплашга ҳаракат қилинг. Молия масалаларида ички туйғуга қўлоқ солган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярми ижод қилиш, спорт билан шуғулланиш, болалар тарбиясига эътибор бериш учун қўлай. Сарф-харажатлар юзасидан молиявий муаммоларнинг ҳам ечими топилади.

## ЁЙ



Ҳафтанинг биринчи ярмида янги режалар тузиш учун тажрибани ишга солиш, шошмасдан пухта бажариш лозим бўлади. Дўстлар билан муносабат барқарорлашади. Ҳар қандай хабар, ахборотни текшириб кўрган маъқул, нотўғри бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳордиқ чиқариб, кўнгилли дам олишга ҳаракат қилинг. Билим, тажрибани бойитиш, сафар ва саёҳатларга чиқиш учун ҳам қўлай бўлиши кутуляпти.

## ТОҒ ЭЧКИСИ



Тижорат ишлари юзасидан лойиҳалар, молия масалаларини ҳал этишни дўстлар билан биргаликда амалга оширмаган маъқул. Пул аралашган ишда тушунмовчилик бўлиб, дўстликка пугур этиши мумкин. Сирли нарсаларни ечиш имконияти ҳафтанинг иккинчи ярмида туғилиши мумкин. Тадбиркорлик юзасидан тузилган режа яхши самара бериши кутуляпти.

## ҚОВҒА



Келажакка ишонч билан қараш туйғуси бурч ва вазифангизни муваффақиятли бажаришда куч-қувват бағишлайди. Имкониятингизни тўғри баҳолаб, билим, тажрибангизни самарали ишга бағишлашни маслаҳат берамиз. Дўстлар ва ҳамфирлар кўмагидан баҳраманд бўласиз. Ҳафтанинг иккинчи ярми самимий мулоқотларга бой бўлади. Ишда ички туйғудан кўра синалган ҳамкасбингизнинг маслаҳатига қўлоқ солган яхши.

## БАЛИҚ



Ҳаётингизда чуқур из қолдирадиган, ўзгартириши мумкин бўлган муҳим қарор қабул қилиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қўлай бўлиши кутилмоқда. Ҳаракатларингиз ижобат бўлиши учун ортга чекинмаган маъқул. Бунинг учун имконият, куч-қувват етарли бўлади. Билим олиш, тажрибани бойитиш учун ҳафтанинг иккинчи ярмида киришишни маслаҳат берамиз. Раҳбарлар билан муносабатни мустаҳкамлаш, мавқеини ошириш учун ҳам қўлай.

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

### ДУШАНБА, 23 НОЯБРЬ

#### «O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иқлим».  
7.05 «Сайлов - 2009».  
7.20 «Очун».  
7.30 «Икки дарё оралигида».  
7.55 «Олтин мерос».  
8.00 «Тахлилнома».  
8.40 - 9.40 «Маънавият дастури».  
«Болалар сайёраси»:  
9.40 «Болалар дунёси».  
10.00 «Бахт ўзи нима?» М/ф.  
10.15 «Қирол Сежонг» Т/с.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».  
11.50 «Очун».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим».  
12.55 Миллий кино: «Қора ёл».  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ватанпарвар».  
15.00 «Олам ва одам».  
15.50 «Шарқ тароналари».  
16.10 «Менинг оилам».  
16.30 «Икки дарё оралигида».  
16.55 «Сайлов - 2009».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».

18.00 «Олтин мерос».  
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».  
18.40 «Юртим бўйлаб».  
18.55 «Бир кун».  
19.30 «Ахборот».  
20.05 «Сайлов - 2009».  
20.10 Миллий сериал: «Лола». Премьера.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.35 «Сайлов - 2009».  
21.50 «Мен ёшликман».  
22.10 «Қирол Сежонг» Т/с.  
22.55 «Иқлим».  
23.00 «Биз полицияданмиз». Б/ф. 1-қисм.  
00.30 «Олам ва одам».  
00.50 - 00.55 Тунги наволар.

#### «Uzbekistan».

01.00 «Ахборот».  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Бир кун».  
04.00 «Ахборот».  
04.30 «Турмуш чорраҳаларида».  
05.20 «Икки дарё оралигида».  
05.40 - 05.55 Тонги наволар.

#### «Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».  
8.35 Хоразм вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Хунарманд».  
8.55 «Ўзингизни авайланг».  
9.00 «Сайлов-2009».  
9.15 «Шерюрак» Т/с.

10.00 «ДАВР».  
10.30 «Даврнинг боласи».  
10.40 «Кувноқ дўмбоқчалар».  
10.50 «Ўзбегим».  
11.20 «Мўъжизавий дунё».  
12.10 «Ишқ ифори» Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари».  
13.00 «Камолот хабарлари».  
13.10 «Келажак эгалари».  
13.20 «Шарқ гавҳари».  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Хонатлас афсонаси».  
15.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига: «Бугундан эсдалик».  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Мультипанорама».  
16.30 «Мўъжизалар олами».  
16.45 «Қишлоқ ва таълим».  
16.55 «Тошкент музейлари».  
17.00 «Никоҳ». Б/ф. 1-қисм.  
18.20 «Миллий мерос».  
18.30 «Сайлов-2009».  
18.45 «Муҳаббат изҳори».  
18.50 «UzEX».  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Ишқ ифори» Т/с.  
20.20 «Соғлик - бойлик».  
20.40 «Автопатруль».  
21.00 «Шерюрак» Т/с.  
21.50 «Сайлов-2009».  
21.55 «Таскин».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 «Конституция сабоқлари».  
22.35 «Сайлов-2009».  
22.40 «Пуаро» Т/с.  
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».  
1.00 «Юрт тинчлиги».

#### «Тошкент»

15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 3-қисм.  
16.10 «Экспедиция». Х/ф.  
17.00 «Денгиз итлари» М/ф.  
17.10 «Карвонсарой».  
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».  
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 31-қисм /Премьера// Яқунловчи/.  
17.55 «Телекуръер-маркет».  
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Мари Лестер» Т/с 1-қисм.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Саломат бўлинг!».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлғон» Т/с.  
21.00 «Аёл қалби».  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Ўйларим».  
22.00 «Телекуръер-маркет».  
22.20 «Кино SMS со звёздами».  
22.25-23.35 «Без семьи». Х/ф 1-қисм.

#### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Талкин».  
8.35 «Малахов +».  
9.30 «Версия».  
10.05 «Геркулес». Мультсериал.  
10.30 «Аёл ифори».  
11.00 «ПроФРИНГ».  
12.00 - 12.50 Пляжный футбол. Чемпионат мира.

18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Олимп сари йул».  
18.30 «Хабарлар».  
18.55 Қўл жанги бўйича Осиё очик чемпионати.  
19.45 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
20.55 «Футбол шарҳи».  
21.30 «Хабарлар» (Ўзб. тил)  
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

#### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
08.30 Ўзбек наволари.  
10.00 «Bollywood Markazida».  
11.00 Ўзбек наволари.  
11.30 «Суррогати» худ. фильм.  
13.30 Ўзбек наволари.  
14.20 Prime time (рус).  
14.30 «Премьера» (рус).  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ».  
16.30 Ўзбек наволари.  
17.30 «Топ-10».  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ».  
19.00 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ».  
22.00 «НОЧЬ В МУЗЕЕ» худ. фильм.  
00.00 Миксер.

#### «ЎЗНТТ»

06.30 Мумтоз наволар.  
07.00 «Асрлар садоси».

07:30 «Парламент соати».  
07:50 «Бизнес репорт».  
08:00 «Буни ҳаёт дейдилар».  
08:30 «Сўғдиёна».  
08:50 Тонги наволар.  
09:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
09:20 «Ёшлар куйлаганда».  
09:40 «Ёшлар» студияси намойиш этади.  
10:00 «Асрлар садоси».  
10:30 «Ўткинчи бахт» б/ф.  
12:00 «Кўнгил наволари».  
12:30 Ҳужжатли фильм.  
13:00 «Одамлар орасида» ток-шоу.  
13:45 «Тарона».  
14:00 «Сага о Форсайтах» Т/с.  
14:45 «Юрт мадҳи».  
15:00 «Ёшлар» студияси намойиш этади.  
15:20 Киноконцерт.  
15:30 «Яхши кайфият».  
16:00 «Тарона».  
16:15 «Индиана Жонс» т/с.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:20 Бухоро Ёшлар студияси тақдим этади: «Ёшлар парвози» курсатуви.  
17:40 Миллий эстрада наволари.  
18:00 «Асрлар садоси».  
18:30 «Тарона».  
19:00 «Сага о Форсайтах» Т/с.  
19:45 «Азия-лото».  
20:30 «ХУДУД».  
20:50 «Бизнес-репорт».  
21:00 «Тарона-Хит».  
21:15 Кечки кинозал: «Роб Би Гуд» б/ф.  
23:00 «Яхши кайфият».  
23:30 «LOST» т/с.  
00:15 «ХУДУД».

**СЕШАНБА, 24 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иқлим»  
7.05 «Сайлов-2009»  
7.20 «Очун»  
7.30 «Икки дарё оралигида»  
7.55 «Олтин мерос»  
8.00 «Ахборот»  
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
9.40 «Бизнинг кутубхона»  
9.50 «Конституция оламига сайёхат»  
9.55 Наманган вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. «Онажон қишлоғим». 2. «Наманган олмаси»  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот»  
11.15 Миллий сериал: «Лола»  
11.50 «Ахборот»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иқлим»  
12.55 «Юртим буйлаб»  
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Қурсичқоннинг саргузаштлари». М/с.  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
15.05 «Олам ва одам»  
16.00 «Тезкор хабарлар»  
16.10 «Юрт меҳри»  
16.35 «Икки дарё оралигида»  
16.55 «Сайлов - 2009»  
17.00 «Ахборот»  
17.15 «Худудлар ҳаёти»  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
18.00 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
18.35 «Қонун ҳимоясида»

19.00 «Навойни англаш»  
19.30 «Ахборот»  
20.05 «Сайлов - 2009»  
20.10 Миллий сериал: «Лола»  
20.45 «Кун мавзуси»  
21.00 «Ахборот»  
21.35 «Сайлов - 2009»  
21.50 «Одамлардан бири»  
22.10 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.55 «Иқлим»  
23.00 «Биз полицияданмиз». Б/ф. 2-қисм.  
00.30 «Олам ва одам»  
00.50 - 00.55 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
01.00 «Ахборот»  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Навойни англаш»  
03.50 «Очун»  
04.00 «Ахборот»  
04.30 «Турмуш чорраҳаларида»  
05.20 «Икки дарё оралигида»  
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари»  
8.35 «Сунмас юлдузлар»  
8.55 «UzEX»  
9.00 «Сайлов-2009»  
9.15 «Шерюрак». Т/с.  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Даврнинг боласи»  
10.20 «Кувноқ думбоқчалар»  
10.30 «Чашма»  
10.35 «Сирли ўрмонча»  
10.50 «Ҳаёт завқи»  
11.00 «Қишлоқ тараққиёти»  
11.20 «Муъжизавий дунё»  
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари»  
13.00 «ДАВР»

13.10 «Тарих дарси»  
13.50 «Нафосат олами»  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Ватанларвар»  
15.40 «Тасвир ва таассурот»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврнинг боласи»  
16.20 «Мультипанорама»  
16.30 «Муъжизалар олами»  
16.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига: «Ёшлар ва таълим»  
16.55 «Узингизни авайланг»  
17.00 «Никоҳ». Б/ф. 2-қисм.  
18.20 «Миллий мерос»  
18.30 «Сайлов-2009»  
18.45 «Тошкент илҳомлари»  
18.50 «UzEX»  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Келажак эгалари»  
20.30 «Инсон психологияси»  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Сайлов-2009»  
21.55 «Таскин»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «Конституция сабоқлари»  
22.35 «Сайлов-2009»  
22.40 «Пуаро». Т/с.  
00.10 «Афсона ва ҳақиқат»  
1.00 «Юрт тинчлиги»

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Мари Лестер». Т/с. 1-қисм.  
9.30 «Пойтахт»  
9.40 «Тошкентда латифа»  
9.45 «Эшқали сузиш». Т/ф.  
9.55 «Телекуррьер-маркет»  
10.20 «Саломат бўлинг!»  
10.30 «Пойтахт»  
10.40 «Индаба». Т/с /рус/ 2-қисм.

11.05 «Уйларим»  
11.10 «Аршин мол-олон». Б/ф.  
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 31-қисм. /Яқунловчи/  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт»  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 4-қисм.  
16.15 «Экспедиция». Х/ф.  
17.05 «Денгиз итлари». М/ф.  
17.15 «Карвонсарой»  
17.25 «Саргузаштлар ороли»  
17.50 «Телекуррьер-маркет»  
18.15 «Қонун доирасида»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Мари Лестер». Т/с 2-қисм.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт»  
19.45 «Истеъдод»  
20.00 «Пойтахт»  
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.  
21.00 «Репортаж»  
21.10 «Менинг маҳаллам»  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт»  
21.55 «Уйларим»  
22.00 «Телекуррьер-маркет»  
22.20 «Кино SMS со звездами»  
22.25-23.30 «Без семьи». Х/ф 2-қисм.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро»  
7.50 «Тет-а-тет»  
8.00 «Хабарлар»  
8.25 «Малахов +»  
9.05 «Геркулес». Мультсериал.  
9.30 «Хабарлар»  
9.55 «Спорт - менинг ҳаётим»  
10.20 «Футбол шарҳи»  
10.50 Лыжные гонки. Кубок мира.  
11.40 - 12.30 Пляжный футбол. Чемпионат мира.  
18.00 «Тет-а-тет»  
18.10 Футбол. Еврогол.

18.30 «Хабарлар»  
18.55 Дзюдо. Республика турнири.  
19.45 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира.  
20.25 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)  
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.15 Лыжные гонки. Кубок мира.  
00.45 Футбол. Лига чемпионов Европ.  
Прямая трансляция.  
02.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
07.30 Prime time (рус).  
07.40 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Джон Доу»  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «Ночь в музее» худ. фильм.  
13.30 Ўзбек наволари.  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛ-ЛЯ»  
16.30 Ўзбек наволари.  
17.30 Премьера (узб).  
18.00 Prime time (рус).  
18.10 Ўзбек наволари.  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
19.00 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»  
22.00 «ЦАРЬ СКОРПИОНОВ» худ. фильм.  
23.40 Миксер.

**«УзНТТ»**

06.30 Мумтоз наволар.  
07.00 «Асрлар садоси»  
07.30 «ХУДУД»  
07.50 «Бизнес репорт»  
08.00 «Яхши кайфият»  
08.30 «Сугдиёна»  
08.50 Тонгги наволар.  
09.00 Болалар соати: «Янги авлод»  
09.20 «Ёшлар куйлаганда»  
09.40 Бухоро Ёшлар студияси тақдим этади: «Ёшлар парвози» курсатуви.  
10.00 «Асрлар садоси»  
10.30 «Роб Би Гуд» б/ф.  
12.30 Ҳужжатли фильм.  
13.00 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
13.45 «Тарона»  
14.00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
14.45 «Юрт мадҳи»  
15.00 Бухоро Ёшлар студияси тақдим этади: «Ёшлар парвози» курсатуви.  
15.20 Киноконцерт.  
15.30 «Буни ҳаёт дейдилар»  
16.00 «Тарона»  
16.15 «Индиана Жонс» т/с.  
17.00 Болалар соати: «Янги авлод»  
17.20 Наманган Ёшлар студияси тақдим этади: «Сен, мен ва биз» курсатуви.  
17.40 Миллий эстрада наволари.  
18.00 «Асрлар садоси»  
18.30 «Тарона»  
19.00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
19.45 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
20.30 «ХУДУД»  
20.50 «Бизнес-репорт»  
21.00 «Тарона-Хит»  
21.15 Кечки кинозал: «Кул ёқасидаги уй» б/ф.  
23.00 «25-кадр» кинокурсатув.  
23.30 «LOST» т/с.  
00.15 «ХУДУД»

**ЧОРШАНБА, 25 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иқлим»  
7.05 «Сайлов - 2009»  
7.20 «Очун»  
7.30 «Икки дарё оралигида»  
7.55 «Олтин мерос»  
8.00 «Ахборот»  
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.  
9.40 «Худудлар ҳаёти»  
10.00 «Гирдоб»  
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот»  
11.15 «Кун мавзуси»  
11.25 Миллий сериал: «Лола»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.55 «Юртим буйлаб»  
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Қурсичқоннинг саргузаштлари». М/с.  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Бир жиноят изидан»  
14.40 «Эркин иқтисодиёт»  
15.00 Жаҳон муסיқаси хазинасидан. Дж. Пуччини. «Тоска». 1-қисм.  
16.00 «Уйла, Изла, Топ!»  
16.40 «Икки дарё оралигида»  
17.00 «Ахборот»  
17.15 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор»  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
18.00 «Олтин мерос»  
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
18.40 «Кун мавзуси»  
19.00 «Тараққиёт сари»  
19.30 «Ахборот»  
20.05 Марказий сайлов комиссияси

яси хабарлари.  
20.15 «Сайлов - демократия кузуси»  
20.45 «Ватанимни куйлайман»  
21.00 «Ахборот»  
21.30 «Қишлоқ ҳаёти»  
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.40 «Иқлим»  
22.45 «Биз полицияданмиз». Б/ф. 3-қисм.  
00.20 «Олам ва одам»  
00.45 - 00.55 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
01.00 «Ахборот»  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Чемпион»  
03.50 «Очун»  
04.00 «Ахборот»  
04.30 «Турмуш чорраҳаларида»  
05.20 «Икки дарё оралигида»  
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари»  
8.35 «Ҳаёт сўқмоқлари»  
8.55 «UzEX»  
9.00 «Ахсикент»  
9.15 «Шерюрак». Т/с.  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Даврнинг боласи»  
10.20 «Кувноқ думбоқчалар»  
10.30 «Китоб - офтоб»  
10.40 «Болалар табассуми»  
10.50 «Қишлоқ ва таълим»  
11.00 «Автопатруль»  
11.20 «Муъжизавий дунё»  
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари»  
13.00 «ДАВР»

13.10 «Тарих дарси»  
13.55 «Узингизни авайланг»  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Илонларни асранг». Т/ф.  
15.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига: «Умр баҳори»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврнинг боласи»  
16.20 «Мультипанорама»  
16.30 «Муъжизалар олами»  
16.45 «Ҳаёт завқи»  
17.00 «Бахт ёр бўлсин!» Б/ф. 1-қисм.  
18.15 «Уйимдаги фариштам»  
18.40 «Илҳом қанотлари»  
18.50 «UzEX»  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Миллий мерос»  
20.30 «Yoshlar-FM»  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Муҳаббат изҳори»  
21.55 «Таскин»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «Конституция сабоқлари»  
22.35 «Муҳаббат изҳори»  
22.40 «Пуаро». Т/с.  
00.10 «Афсона ва ҳақиқат»  
1.00 «Юрт тинчлиги»

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Мари Лестер». Т/с. 2-қисм.  
9.30 «Пойтахт»  
9.40 «Қонун доирасида»  
9.55 «Телекуррьер-маркет»  
10.20 «Репортаж»  
10.30 «Пойтахт»  
10.40 «Индаба». Т/с /рус/ 3-қисм.  
11.05 «Уйларим»

11.10 «Кадрдон уй». Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Пойтахт»  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 5 -сериал.  
16.15 «Экспедиция». Х/ф.  
17.05 «Денгиз итлари». М/ф.  
17.15 «Карвонсарой»  
17.25 «Қушлар олами». Т/ф.  
17.55 «Телекуррьер-маркет»  
18.20 «Саломат бўлинг!»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Мари Лестер». Т/с 3-қисм.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт»  
19.45 «Тошкентда латифа»  
20.00 «Пойтахт»  
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.  
21.00 «Интервью»  
21.10 «Дурдона»  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт»  
21.55 «Уйларим»  
22.00 «Телекуррьер-маркет»  
22.20 «Кино SMS со звездами»  
22.25 - 23.25 «Без семьи». Х/ф 3-қисм.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро»  
7.50 «Тет-а-тет»  
8.00 «Хабарлар»  
8.25 «Малахов +»  
9.05 «Геркулес». Мультсериал.  
9.30 «Хабарлар»  
9.55 Пляжный футбол. Чемпионат мира.  
10.45 - 12.25 Футбол. Лига чемпионов Европ.  
18.00 «Тет-а-тет»  
18.10 «Вилоят спорти одимлари»  
18.30 «Хабарлар»  
18.55 Дзюдо. Республика турнири.  
19.45 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира.

20.25 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Хабарлар»  
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.15 Лыжные гонки. Кубок мира.  
00.45 Футбол. Лига чемпионов Европ.  
Прямая трансляция.  
02.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Джон Доу»  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «Царь скорпионов» худ. фильм.  
13.10 Ўзбек наволари.  
14.20 Prime time (рус).  
14.30 «Кинокуррьер»  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛ-ЛЯ»  
16.30 Ўзбек наволари.  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йук»  
19.00 Ўзбек наволари.  
20.00 M-files.  
20.30 Ўзбек наволари.  
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»  
22.00 Киноколлекция: «ОСТРОВ» худ. фильм.  
00.00 Миксер.

**«УзНТТ»**

07.50 «Бизнес репорт»  
08.00 «25-кадр» кинокурсатув.  
08.30 «Сугдиёна»  
08.50 Тонгги наволар.  
09.00 Болалар соати: «Янги авлод»  
09.20 «Ёшлар куйлаганда»  
09.40 Наманган Ёшлар студияси тақдим этади: «Сен, мен ва биз» курсатуви.  
10.00 «Асрлар садоси»  
10.30 «Кул ёқасидаги уй» б/ф.  
12.15 «Кўнгил наволари»  
12.30 Ҳужжатли фильм.  
13.00 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
13.45 «Тарона»  
14.00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
14.45 «Юрт мадҳи»  
15.00 Наманган Ёшлар студияси тақдим этади: «Сен, мен ва биз» курсатуви.  
15.20 Киноконцерт.  
15.30 «Яхши кайфият»  
16.00 «Тарона»  
16.15 «Индиана Жонс» т/с.  
17.00 Болалар соати: «Янги авлод»  
17.20 Фарғона Ёшлар студияси тақдим этади: «Бешички фасл» курсатуви.  
17.40 Миллий эстрада наволари.  
18.00 «Асрлар садоси»  
18.30 «Тарона»  
19.00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
19.45 «Иўқотилган йиллар» т/с.  
20.30 «ХУДУД»  
20.50 «Бизнес-репорт»  
21.00 «Тарона-Хит»  
21.15 Кечки кинозал: «Музейдаги ўғирлик» б/ф.  
22.45 «Тунги ором» муסיқий дастур.  
23.00 «Дилкаш лаҳзалар»  
23.30 «LOST» т/с.  
00.15 «ХУДУД»

**ПАЙШАНБА, 26 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иқлим»  
7.05 «Сайлов - 2009»  
7.20 «Очун»  
7.30 «Икки дарё оралигида»  
7.55 «Олтин мерос»  
8.00 «Ахборот»  
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.  
9.40 «Цирк, цирк, цирк»  
9.55 «Мулқдор»  
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.  
11.00 «Ахборот»  
11.15 «Ҳаётимиз қомуси»  
11.35 «Юртим буйлаб»  
11.50 «Ахборот»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.55 «Очун»  
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
«Болалар сайёраси»:  
13.40 «Қурсичқоннинг саргузаштлари». М/с.  
14.00 «Ахборот»  
14.15 «Хонадон»  
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари»  
15.00 Жаҳон муסיқаси хазинасидан. Дж. Пуччини. «Тоска». 2-қисм.  
16.00 «Тезкор хабарлар»  
16.15 «Қорақалпоқнома»  
16.35 «Икки дарё оралигида»  
16.55 «Сайлов - 2009»  
17.00 «Ахборот»  
17.15 «Маҳалла»  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
18.00 «Олтин мерос»  
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари»  
18.40 «Зийнат»

19.00 «Эзгулик»  
19.30 «Ахборот»  
20.05 «Сайлов - 2009»  
20.10 Миллий сериал: «Лола»  
20.45 «Кун мавзуси»  
21.00 «Ахборот»  
21.35 «Сайлов - 2009»  
21.50 «Мен ёшликман»  
22.10 «Қирол Сежонг». Т/с.  
22.55 «Иқлим»  
23.00 «Куктов». Б/ф.  
00.15 «Олам ва одам»  
00.40 - 00.50 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**  
01.00 «Ахборот»  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Асрлар садоси»  
04.00 «Ахборот»  
04.30 «Турмуш чорраҳаларида»  
05.20 «Икки дарё оралигида»  
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари»  
8.35 «Соғлиқ - бойлик»  
8.55 «UzEX»  
9.00 «Сайлов-2009»  
9.15 «Шерюрак». Т/с.  
10.00 «ДАВР»  
10.10 «Даврнинг боласи»  
10.20 «Кувноқ думбоқчалар»  
10.30 «Кичкинтойлар боғи»  
10.40 «Келажак эгалари»  
10.50 «Ёшлар ва таълим»  
11.00 «Чемпион»  
11.20 «Муъжизавий дунё»  
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари»  
13.00 «ДАВР»

13.10 «Тарих дарси»  
13.55 «Муҳаббат изҳори»  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Таранум»  
15.40 «Қорақалпоқ ёшлари»  
16.00 «ДАВР»  
16.10 «Даврнинг боласи»  
16.20 «Мультипанорама»  
16.30 «Муъжизалар олами»  
16.45 «Узингизни авайланг»  
16.50 «Миллий мерос»  
17.00 «Бахт ёр бўлсин!» Б/ф. 2-қисм.  
18.00 «Ижод мактаби»  
18.30 «Сайлов-2009»  
18.45 «Қишлоғимга хат»  
18.50 «UzEX»  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Шарк гаҳари»  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Сайлов-2009»  
21.55 «Таскин»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «Конституция сабоқлари»  
22.35 «Сайлов-2009»  
22.40 «Пуаро». Т/с.  
00.10 «Афсона ва ҳақиқат»  
1.00 «Юрт тинчлиги»

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт»  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Мари Лестер». Т/с 3-қисм.  
9.30 «Пойтахт»  
9.40 «Тошкентда латифа»  
9.45 «Интервью»  
9.55 «Телекуррьер-маркет»  
10.20 «Дурдона»  
10.30 «Пойтахт»  
10.40 «Индаба». Т/с /рус/ 4-қисм.  
11.05 «Уйларим»

11.10 «Маликанинг кундаликлари» Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
14.50 «Хор жамоасининг концерти»  
15.00 «Пойтахт»  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 6-қисм.  
16.15 «Экспедиция». Х/ф.  
17.05 «Аёл қалби»  
17.30 «Денгиз итлари». М/ф.  
17.40 «Карвонсарой»  
17.50 «Телекуррьер-маркет»  
18.15 «Маърифат фидойилари»  
18.30 «Пойтахт»  
18.50 «Мари Лестер». Т/с 4-қисм.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт»  
19.45 «Иқтисод-ревью»  
20.00 «Пойтахт»  
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.  
21.00 «Репортаж»  
21.10 «Этикод»  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт»  
21.55 «Уйларим»  
22.00 «Телекуррьер-маркет»  
22.20 «Кино SMS со звездами»  
22.25-00.20 «Вертикальный предел». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро»  
7.50 «Тет-а-тет»  
8.00 «Хабарлар»  
8.25 «Малахов +»  
9.05 «Геркулес». Мультсериал.  
9.30 «Хабарлар»  
9.55 «Вилоят спорти одимлари»  
10.10 «RING»  
10.40 Баскетбол НБА.  
11.20 - 13.00 Футбол. Лига чемпионов Европ.  
18.00 «Тет-а-тет»  
18.10 «Ёшлик шижоати»  
18.30 «Хабарлар»

18.55 Дзюдо. Республика турнири.  
19.45 Тяжелая атлетика. Чемпионат мира.  
20.25 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Хабарлар»  
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.15 Интерфутбол.  
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

**ЖУМА, 27 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

**Айёмингиз муборак бўлсин!**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иклим».  
7.05 «Сайлов - 2009».  
7.20 «Дилим дарёи нурдур...»  
8.00 «Ахборот».  
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.  
«Болалар сайёраси»:  
9.40 «Болалар дунёси».  
10.00 «Тандир нон». М/ф.  
10.25 «Очиқ дастурхон».  
10.55 «Минг бир ривоят».  
11.00 «Бир кун».  
11.25 Миллий сериал: «Лола».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.50 «Иклим».  
12.55 «Олтин мерос».  
13.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».  
13.40 «Ҳандалак». Ҳажвий курсатув.  
14.05 Миллий кино: «Чимилдиқ».  
15.20 «Устозларни ёд этиб...» 1-қисм.  
16.10 «Устозларни ёд этиб...» 2-қисм.  
16.55 «Сайлов - 2009».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Бир ўлка-ки...»  
17.35 «Очун».  
17.45 «Муқаддас қадамжолар».  
Шоҳизинда.  
18.30 «Кўҳна оҳанглар».  
18.50 «Минг бир ривоят».  
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йулида».  
19.30 «Ахборот».  
20.05 «Сайлов - 2009».

20.10 Миллий сериал: «Лола».  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
21.00 «Ахборот».  
21.35 «Сайлов - 2009».  
21.50 «Буюк аждодларимиз».  
22.15 Миллий кино: «Чол ва наби-ра».  
23.40 «Олам ва одам».  
00.35 - 00.45 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**.  
00.50 «Очун».  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.  
03.30 «Бир кун».  
03.55 «Олтин мерос».  
04.00 «Ахборот».  
04.35 «Дилим дарёи нурдур...»  
Муножат Йулчиева.  
05.15 «Муқаддас қадамжолар».  
05.40 - 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий кино: «Галатепалик авлиё».  
8.25 «Ҳаёт сўқмоқлари».  
8.45 «Табассум қил!»  
8.55 «UzEX».  
9.00 «Сайлов-2009».  
9.15 «Шерюрак». Т/с.  
10.00 «ДАВР».  
10.10 «Даврнинг боласи».  
10.20 «Кувнок думбоқчалар».  
10.30 «Доло». М/ф.  
11.20 «Ешлар парвози».  
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Тарих дарси».

14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Шарқ гавҳари».  
15.40 «Илхом қанотлари».  
15.50 «Табассум қил!»  
16.00 «ДАВР».  
16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Мультипанорама».  
16.30 «KINOMANIYA».  
17.00 «Богбон». Б/ф. 1-қисм.  
18.20 «Табассум қил!»  
18.30 «Сайлов-2009».  
18.45 «Муҳаббат изхори».  
18.50 «UzEX».  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Миллий мерос».  
20.30 «Бугун».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.50 «Сайлов-2009».  
21.55 «Таскин».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 «Конституция сабоқлари».  
22.35 «Сайлов-2009».  
22.40 Миллий кино: «Маҳаллада дув-дув гап».  
00.00 «Ҳаётбахш наволар».  
1.00 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Мари Лестер». Т/с 4-қисм.  
9.30 «Пойтахт».  
9.45 «Анхор ҳаёт суви». Т/ф.  
9.55 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Репортаж».  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Индаба». Т/с /рус/ 5-қисм.  
11.05 «Уйларим».  
11.10 «Маликанинг кундаликлари» 2». Б/ф.

13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
14.50 «Иқтисод-ревью».  
15.00 «Пойтахт».  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 7-қисм.  
16.15 «Экспедиция». Х/ф.  
17.15 «Денгиз итлари». М/ф.  
17.25 «Карвонсарой».  
17.35 «Купкари». Т/ф.  
17.50 «Телекуррьер-маркет».  
18.15 «Афиша».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Мари Лестер». Т/с 5-қисм. /Якунловчи/.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.50 «Саломат бўлинг!»  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.  
21.00 «Интервью».  
21.10 «Эртамиз эгалари».  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Уйларим».  
22.00 «Телекуррьер-маркет».  
22.20 «Кино SMS со звездами».  
22.25 - 00.25 «На грани». Х/ф.

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
7.50 «Тет-а-тет».  
8.00 «Хабарлар».  
8.25 «Малахов +».  
9.05 «Геркулес». Мультсериал.  
9.30 «Хабарлар».  
9.55 Тяжёлая атлетика. Чемпионат мира.  
10.45 Лыжные гонки. Кубок мира.  
11.35 - 13.15 Интерфутбол.  
\*\*\*  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 Футбол. Еврогол.  
18.30 «Хабарлар».  
18.55 Дзюдо. Республика турнири.

19.45 «ГОЛ».  
20.45 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Хабарлар».  
21.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.  
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йуқ».  
08.30 Ўзбек наволари.  
09.30 Сериал «Джон Доу».  
10.30 Ўзбек наволари.  
11.30 «Жазо» бадийий фильм.  
13.10 Ўзбек наволари.  
14.20 Prime time (рус).  
14.30 Ўзбек наволари.  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йуқ».  
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛ-ЛЯ».  
16.30 Ўзбек наволари.  
17.30 Премьера (рус).  
18.00 Ўзбек наволари.  
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йуқ».  
19.00 Ўзбек наволари.  
21.00 «Bollywood Markazida».  
22.00-01.10 «JONIM FIDO» хинд бадийий фильми.

**«ЎЗНТТ»**

06.30 Мумтоз наволар.  
07.00 «Асрлар садоси».  
07.30 «ХУДУД».  
07.50 «Бизнес репорт».  
08.00 «Яши кайфият».  
08.30 «Сўғдиёна».

08:50 Тонги наволар.  
09:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
09:20 «Ёшлар куйлаганда».  
09:40 Тошкент Ёшлар студияси такдим этади: «Келажак овози» курсатуви (рус).  
10:00 «Асрлар садоси».  
10:30 «Қақнус парвози» б/ф.  
12:30 Хужжатли фильм.  
13:00 «Йуқотилган йиллар» т/с.  
13:45 «Тарона».  
14:00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
14:45 «Юрт мадҳи».  
15:00 Тошкент Ёшлар студияси такдим этади: «Келажак овози» курсатуви (рус).  
15:20 Киноконцерт.  
15:30 «Дилкаш лаҳзалар».  
16:00 «Тарона».  
16:15 «Индиана Жонс» т/с.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:20 Тошкент Ёшлар студияси такдим этади: «Келажак овози» курсатуви.  
17:40 Миллий эстрада наволари.  
18:00 «Асрлар садоси».  
18:30 «Тарона».  
19:00 «Сага о Форсайтах» т/с.  
19:45 «Йуқотилган йиллар» т/с.  
20:30 «ХУДУД».  
20:50 «Бизнес-репорт».  
21:00 «Тарона-хит».  
21:15 НТТда премьера: «Йигламагин» б/ф.  
22:45 «Тунги ором» мусикий дастур.  
23:00 «Буни ҳаёт дейдилар».  
23:30 «LOST» т/с.  
00:15 «ХУДУД».

**ШАНБА, 28 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иклим».  
7.10 «Маҳаллада дув-дув гап».  
1-қисм.  
7.50 «Тонги наволар».  
8.00 «Ахборот».  
«Болалар сайёраси»:  
8.35 «Алпомиш». М/ф.  
9.35 «Муסיқа дунёси».  
9.55 «Минг бир ривоят».  
10.00 «Зиё».  
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».  
11:00 «Оналар мактаби».  
11.20 Миллий сериал: «Лола».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иклим».  
13.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари».  
13.45 «Юртим бўйлаб».  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Шурданак».  
14.50 «Бир ўлка-ки...»  
15.10 «Куш одам». Б/ф.  
16.40 «Ҳаёт манзаралари».  
«Болалар сайёраси»:  
16.50 «Уйла, Изла, Топ!»  
17.30 «Конституция оламига саёҳат».  
17.50 «Эртақлар - яхшиликка етақлар».  
18.10 «Саломатлик сирлари».  
18.30 «Очиқ дарс». Ток-шоу.  
19.10 «Очун».  
19.30 «Ахборот».  
20.05 «Сайлов - демократия кўзгуси».  
20.35 «Шарқ тароналари».

21.00 «Ахборот».  
21.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кузи».  
22.30 «КиноТеатр».  
23.90 «Ота ва ўғил». Б/ф.  
00.50 - 00.55 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**.  
01.00 «Ахборот».  
01.30 «Салом, ёшлар!»  
02.30 «КиноТеатр».  
02.55 «Буюк аждодларимиз».  
03.20 «Шарқ гавҳари».  
04.00 «Ахборот».  
04.30 Миллий кино: «Орзу ортидан».  
05.40 - 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Салом, ёшлар!»  
8.00 Миллий кино: «Сени излаб».  
8.35 «Бугундан эсдалик».  
8.55 «UzEX».  
9.00 «Табассум қил!»  
9.15 «Шерюрак». Т/с.  
10.00 «ДАВР».  
10.10 «Даврнинг боласи».  
10.20 «Сирли ўрмонча».  
10.35 «Чашма».  
10.40 «Олтин калитча». Б/ф.  
11.55 «Оила - меҳр булоғи».  
12.00 «Тошкент таронаси».  
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.  
12.55 «Конституция сабоқлари».  
13.00 «ДАВР».  
13.10 «Рўзгор мактаби».  
13.30 «Маслаҳат». Ҳажвия.  
14.00 «Салом, ёшлар!»  
15.00 «Ҳаётбахш наволар».  
16.00 «ДАВР».

16.10 «Даврнинг боласи».  
16.20 «Мультипанорама».  
16.30 «Болалар табассуми».  
16.40 «Чемпион».  
17.00 «Богбон». Б/ф. 2-қисм.  
18.20 «Автопатруль».  
18.40 «Ўзингизни авайланг».  
18.45 «Миллий мерос».  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда».  
19.00 «ДАВР».  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Айланай...»  
20.40 «13-студия».  
21.00 «Шерюрак». Т/с.  
21.55 «Таскин».  
22.00 «ДАВР».  
22.30 Жаҳон киноси: «Изкувар».  
23.50 «Тунги парвоз».  
00.10 Жаҳон киноси: «Қилмиш-қидирмиш».  
1.50 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Мари Лестер». Т/с 5-қисм. /Якунловчи/.  
9.30 «Пойтахт».  
9.45 «Интервью».  
9.55 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Афиша».  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Индаба». Т/с /рус/ 6-қисм.  
11.05 «Уйларим».  
11.10 «Мулоҳаза учун мавзу».  
11.40 «Саломат бўлинг!»  
11.50 «Эртамиз эгалари».  
12.05 «Кўза». Қисқа метражли Б/ф.

12.30 «Туризм ҳақида».  
13.00 «Салом, Тошкент!»  
14.00 «Дунё» теледастури.  
15.00 «Кинотақдим».  
15.25 «Қалбим чечаги». Т/с 8-қисм.  
16.05 «Экспедиция». Х/ф.  
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.  
17.10 «Карвонсарой».  
17.25 «Хуқуқшунос маслаҳати».  
17.30 «Санъатимиз ҳазинаси-дан».  
17.40 Жиззах телерадиокомпанияси намойиш этади: «Тоғ навоси».  
17.55 «Телекуррьер-маркет».  
18.20 «Афиша».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Филипп Марлоу». Т/с 1-қисм.  
19.40 Бизнес-«Пойтахт».  
19.45 «Мафтун».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.  
21.00 «Истеъдод».  
21.25 Мумтоз наволар.  
21.30 «Пойтахт».  
21.55 «Уйларим».  
22.00 «Телекуррьер-маркет».  
22.20 «Кино SMS со звездами».  
22.25 - 00.40 Индийское кино: «Анатомия любви». Х/ф. 1-2-серии.

**«Sport»**

8.00 «Бодрое утро».  
8.50 «Тет-а-тет».  
9.00 «Хабарлар».  
9.25 «Жасур болалар».  
10.00 «Хабарлар».  
10.25 «Военное дело».

10.45 «Файтер». Восточные единоборства.  
11.10 Тяжёлая атлетика. Чемпионат мира.  
12.00 - 13.25 Спортивное кино: «Гол-3». Художественный фильм.  
\*\*\*  
18.00 «Соғлом оила».  
18.30 «Хабарлар».  
18.55 «Фоторевю».  
19.15 Теннис.  
20.05 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Хабарлар».  
21.55 Интерфутбол.  
23.30 «RING».  
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
07.30 Prime time (рус).  
07.40 Ўзбек наволари.  
09.00 Мультфильм.  
10.30 Baby hits.  
11.00 Ўзбек наволари.  
11.30 «Jonim fido» хинд бадийий фильми.  
14.30 Ўзбек наволари.  
15.00 «ЗОЛОТОЙ КОМПАС» худ. фильм.  
17.10 Ўзбек наволари.  
18.00 Prime time (рус).  
18.10 Ўзбек наволари.  
19.00 «Топ-10».  
20.00 Ўзбек наволари.  
20.30 «Бизнинг муסיқа».  
21.30 «Премьера» (узб).  
22.00 «ИДЕАЛЬНЫЙ ПОБЕГ» худ. фильм.  
23.50 -01.50 «Другя музыка».

**«ЎЗНТТ»**  
06.30 Мумтоз наволар.  
07.00 «Асрлар садоси».  
07.30 «ХУДУД».  
07.50 «Одамлар орасида» ток-шоу.  
08:35 «Сўғдиёна».  
09:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
09:20 «Ёшлар куйлаганда».  
09:40 Тошкент Ёшлар студияси такдим этади: «Келажак овози» курсатуви.  
10:00 «Асрлар садоси».  
10:30 «Йигламагин» б/ф.  
12:00 «Кунгил наволари» т/с.  
13:15 «Роб Би Гуд» б/ф.  
15:20 «Кул ёқасидаги уй» б/ф.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:20 Бухоро Ёшлар студияси такдим этади: «Ёшлар парвози» курсатуви.  
17:40 Миллий эстрада наволари.  
18:00 «Кўрқув билмас» б/ф.  
19:45 «Йуқотилган йиллар» т/с.  
20:30 «Дийдор ширин».  
21:15 НТТда премьера: «Турт савдойи» б/ф (Хиндистон).  
23:20 «Тунги ором» мусикий дастур.

**ЯКШАНБА, 29 НОЯБРЬ**

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.00 «Иклим».  
7.10 «Маҳаллада дув-дув гап».  
2-қисм.  
7.50 «Тонги наволар».  
8.00 «Ахборот».  
«Болалар сайёраси»:  
8.40 «Бизнинг кутубхона».  
8.50 «Фаррух ва Зумрад».  
М/ф.  
9.30 «Очиқ дастурхон».  
10.00 «Саломатлик сирлари».  
10.20 «Минг бир хунар».  
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
11.20 «Буюк аждодларимиз».  
11.45 «Шарқ тароналари».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иклим».  
13.05 Хинд киноси: «Жумбоқ».  
15.25 «Заковат».  
«Болалар сайёраси»:  
16.25 «Жажжи пари». М/ф.  
16.45 Миллий кино: «Марғиёна».  
18.45 «Очун».  
18.55 «Денгиздан томчи».  
19.30 «Тахлилнома».  
20.05 Миллий сериал:

«Лола».  
20.45 «Кунгил қўшиқ истайди».  
21.00 «Тахлилнома».  
21.40 «Азизим».  
22.10 «Багер Ванс ҳақида афсона». Б/ф.  
00.10 «Олам ва одам».  
00.50 - 00.55 Тунги наволар.  
**«Uzbekistan»**.  
01.00 «Тахлилнома».  
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
02.15 «Минг бир хунар».  
02.30 «Заковат».  
03.30 «Денгиздан томчи».  
04.00 «Тахлилнома».  
04.40 Миллий кино: «Бахт кадри».  
05.50 - 05.55 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

7.00 «Бугун».  
7.30 «Миллий мерос».  
7.40 «Якшанба нуноштаси».  
8.00 Миллий кино: «Чинор тагидаги дуэль».  
9.10 «Yoshlar-FM».  
9.40 «Соғлик - бойлик».  
10.00 «Ватанпарвар».  
10.40 «Шерюрак». Т/с.  
11.25 «Қишлоғимга хат».  
11.30 «Ижод мактаби».  
12.00 Киноклассика: «Сан-

ников ери».  
13.30 «Инсон психологияси».  
14.00 «Қамолот хабарлари».  
14.10 «Айланай...»  
14.30 «Ҳаёт сўқмоқлари».  
15.00 «Самовий ишқ». Т/с.  
17.00 «Ўзбегим матолари».  
17.20 «Болалар табассуми».  
17.30 «Эртақлар оламида».  
18.45 «Миллий мерос».  
18.55 «Конституция менинг ҳаётимда».  
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.  
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.  
20.20 «Тараннум».  
21.00 «Рўзгор мактаби».  
21.30 «Жонгинам». Б/ф.  
00.20 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!»  
8.30 Бизнес-«Пойтахт».  
8.35 Мумтоз наволар.  
8.40 «Филипп Марлоу». Т/с 1-қисм.  
9.30 «Пойтахт».  
9.40 «Сурнай». Т/ф.  
9.55 «Телекуррьер-маркет».  
10.20 «Афиша».  
10.30 «Пойтахт».  
10.40 «Саргузаштлар ороли».  
11.05 «Уйларим».  
11.10 «Нарния салтанати».  
Б/ф.  
13.00 «Салом, Тошкент!»

14.05 «Жайдари келин». Муқимий номидаги муסיқали драма театрининг спектакли.  
15.45 «Телекуррьер-маркет».  
16.10 «Карвонсарой».  
16.20 «Болаликка қайтиб».  
16.40 «Истеъдод».  
17.00 «Тошкентда латифа».  
17.05 «Танноз хоним». Б/ф.  
18.50 «Телекуррьер-маркет».  
19.10 «Нима учун?»  
19.50 Мумтоз наволар.  
19.55 «Самимият ила».  
20.20 «Тошкент оқшомлари».  
20.50 «Туризм ҳақида».  
21.20-23.25 «Кино SMS со звездами»: «Человек дождя», «Я Сэм», «Ванильное небо».

**«Sport»**

8.00 «Бодрое утро».  
9.00 «Хабарлар».  
9.20 «Кувнок стартлар».  
10.00 «Хабарлар».  
10.25 «ГОЛ».  
11.25 «Аёл ифори».  
12.00 «Аптека слушает».  
12.45 «АВТОГРАФ».  
13.05 - 14.45 Спортивное кино: «Грейси». Художественный фильм.  
\*\*\*  
18.00 «Спорт - менинг ҳаётим».

18.30 «Версия».  
19.05 «Вилоят спорти».  
20.05 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.  
21.30 «Талқин».  
22.05 Интерфутбол.  
23.45 «ПрофРИНГ».  
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**ТВ-МАРКАЗ**

07.00 Ўзбек наволари.  
09.00 Мультфильм.  
10.30 «Baby Terra Landiya».  
11.00 «Jannat Makon».  
11.30 «Идеальный побег» худ. фильм.  
13.20 Ўзбек наволари.  
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йуқ».  
17.00 Ўзбек наволари.  
17.30 M-files.  
18.00 Prime time (рус).  
18.10 Ўзбек наволари.  
19.30 Звездапад: «Очарованный солнцем. П.Беньков».  
20.10 Ўзбек наволари.  
20.30 «Кинокуррьер».  
21.00 Ўзбек наволари.  
21.30 «Премьера» (рус).  
22.00 «ПРОЧНАЯ ЗАЩИТА» худ.фильм.  
00.00 Миксер.

**«ЎЗНТТ»**  
07:00 «Асрлар садоси».  
07:30 Тонги наволар.  
08:00 «Сўғдиёна».  
08:40 «Тарона».  
09:00 «Дийдор ширин».  
09:45 «Истиклол» санъат саройидан концерт дастури.  
10:30 «Файзли юрт одамлари».  
11:00 «Музейдаги ўғирлик» б/ф.  
12:35 «Кунгил наволари».  
13:00 «Қақнус парвози» б/ф.  
14:45 «Юрт мадҳи» б/ф.  
15:00 «Тошқин» б/ф.  
17:00 Болалар соати: «Янги авлод».  
17:20 Наманган Ёшлар студияси такдим этади: «Сен, мен ва биз» курсатуви.  
17:40 «Тарона».  
18:00 «Аждар жавоҳири» б/ф.  
19:30 НТТда ҳажвия.  
19:45 «Якшанбада яхши дам» концерт дастури.  
20:30 «Парламент соати».  
20:50 «Оилангиз шифокори».  
21:00 «Одамлар орасида» ток-шоу.  
21:45 «Тарона».  
22:00 НТТда премьера: «Бургут қасоси» б/ф.  
23:30 «Тунги ором» мусикий дастур.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# АСР ВА БОСИГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК

*Маълумки, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1988 йилдан бошлаб, 1 декабрни Халқаро ОИТСга қарши курашиш кунини деб эълон қилган. Ушбу куннинг дунё бўйлаб халқаро аҳамияти ва нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис, бутун дунё жамоатчилиги ягона мақсад сари бирлашиб, аср вабоси — ОИТС пандемиясига қарши курашмоғи лозим.*

*1997 йилдан БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган дастури — UNAIDS халқаро ташкилоти ушбу муаммонинг инсоният олдидан ўта долзарблигини эътиборга олиб, халқаро профилактик тадбирларни йил давомида ўтказиб бориш зарурлигини эътироф этди. Ҳозирги кунга келиб, БМТнинг барча халқаро ташкилотлари ОИТС муаммоси билан шуғулланишни ўзларининг бурчлари деб билишади.*



Маълумки, ОИТС касаллиги бутун дунё бўйлаб тарқалиб, пандемияга айланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича ОИВ инфекциясини юқтирган одамлар сони 33 миллиондан ошди. Охириги 25 йил ичида ОИВ инфекцияси аста-секин, аммо тўхтовсиз равишда бирламчи эпидемик ўчоқлари бўлган АҚШ ва Марказий Африкадан дунёнинг барча минтақаларига кириб борди. Ўтган вақт мобайнида ушбу касаллик 25 миллион кишининг ёстигини қуритган.

Юртимиз аҳолисини ушбу касалликдан ҳимоялаш мақсадида йиллар давомида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2008 йил 26 декабрда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилини ва унга мувофиқ «2009—2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси» тасдиқланди.

Юртбошимиз ҳамда ҳукумати- миз қарорлари ижросини таъминлаш борасида республика ИИВ раҳбарияти томонидан «Республика ички ишлар идораларида ОИВ профилактикаси бўйича 2009 — 2011 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Бу борада тиббиёт муассасаларини моддий-техника асосини мустаҳкамлаш ҳамда ички ишлар идоралари ходимлари, ИИВ таълим муассасалари курсант ва тингловчилари, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари, ЖИЭББ муассасалари махсус контингент орасида «ОИТС/ОИВ профилактикаси», «Соғлом турмуш тарзи» мавзуларида санитария ишларини амалга ошириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида самарадорликка эришиш учун нафақат тиббиёт ва ички ишлар идоралари ходимлари саъй-ҳаракатлари, балки кенг жамоатчилик жалб этилиши лозимлиги назарда тутилиб, барча вазирлик ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланган. «Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйи-

ча чора-тадбирлар Дастури» тайёрланиб, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг 2009 йил 23 апрелда ўтказилган мажлиси қарори билан тасдиқланди. Ушбу Дастур талабларини ижроси борасида кенг қўламли профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўқорида қайд этилган режалар талабларига мувофиқ, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан маҳаллалар, қишлоқларда аҳоли ҳамда олий ўқув юртли ва таълим муассасаларида ёшлар орасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозликка қарши кураш каби мавзуларда учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.


Жорий йилда республика Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликларининг ҳамкорликдаги режаси асосида ИИВнинг тегишли соҳавий хизматлари томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида «ОИТСиз келажак сари», «Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови», «ОИТСга қарши курашда миллий қадриятларимизнинг аҳамияти» мавзуларида маърузалар, семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Вазирликнинг тиббиёт хизмати ходимлари томонидан ИИВ ЖИЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ шахсий таркиби, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари, таълим муассасалари курсант ва тингловчилари ўртасида ушбу мавзуларда семинар-тренинглари ташкил этилиб келинмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ОИВ инфекцияси профилактикаси ва уни тарқалишининг олдини олиш бўйича 2009—2011 йилларга мўлжалланган тадбирлар Режасида белгиланган муддатларда ИИВ Марказий поликлиникаси базасида жойлашган ОИТС лабораториясида таъмирлаш ишлари ўтказилди ва тўлиқ қайта жиҳозланди. Айтиш жоизки, ушбу йўналишда ходимлар мала-

каси, билим савиясини оширмасдан иш фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорликка эришиш қийин. Шу мақсадда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ОИТС профилактикаси ва даволаш мавзуси бўйича ИИВ тизимидаги 140 нафар тиббий ходимнинг малакаси оширилди.

ОИТС/ОИВ билан зарарланганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. ОИВ инфекцияси тўғрисидаги омма билимининг ортиб бориши ОИТС/ОИВ ка-



саллигининг камайишида муҳим ўрин эгаллайди. Шу мақсадда ўтказилаётган ташвиқот-тарғибот тадбирлари инсонлар орасида ОИВ билан зарарланиш ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшлар ўзларини, тенгдошларини ва энг муҳими она аъзоларини ОИВдан зарарланиш хавфидан ҳимоя қилишни билишлари лозим. Шунинг учун уларга аниқ, содда, амалий билимлар берилиши муҳим ҳисобланади. Ёшларнинг хатарли турмуш тарзига бўлган қизиқишларига жавобан, касалликлар, уларнинг таъсири, асорати, соғлом турмуш тарзи кечириш афзалликлари ва ота-оналар, катталар томонидан уларни бундай истакдан қайтариш мақсадида берилган ўғитлари алоҳида аҳамиятга эга.

Шу ўринда ОИВ/ОИТС касаллиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

1981 йилда бир-бирдан мустақил равишда франциялик олим Люк Монтань ва АҚШлик олим Роберт Галло бошчилик қилаётган лабораториялар текширувлари натижасида ОИТС касаллиги ҳақида дастлабки маълумотлар аниқланган. Ортирилган иммунитет танқислиги синдроми

(ОИТС) — одам иммунитет танқислик вируси (ОИВ) қўзғатадиган хавфли юқумли касалликнинг якуний босқичидир.

Одамнинг иммунитет танқислик вируси, деб номланувчи вирус (ОИВ) инфекциялардан табиий ҳимоя қилувчи инсон организмнинг иммун тизимини емириб, одам организмнинг ташқи ва ички касалликларга қарши курашиш қобилиятини камайтиради. ОИВ билан зарарланган инсонларни ташқи кўринишига кўра аниқлаб бўлмайди. ОИВ билан зарарланган инсон ўзини соғлом ҳис этиб, бошқаларга ўзи билмаган ҳолда вирусни юқтириши мумкин. ОИВ инфекцияси таъсирида одам организмнинг иммун тизими сусайиб пневмония, ичбуруғ, ўсма ва бошқа турли касаллик қўзғатувчиларига қарши кураша олмайди. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси охири-оқибат инсон организмда ОИТС касаллигини келтириб чиқаради. ОИВ билан зарарланишда вируснинг миқдори муҳим омил ҳисобланади. Масалан, вирус қон таркибида энг кўп миқдорда бўлади. Зарарланиш учун юқиш йўллари орқали маълум бир шароитда вирус билан зарарланган биологик суюқликлар соғлом одам организмга тушиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ОИВ билан зарарланган ёки ОИТСга чалинган бемор билан бемалол суҳбатлашиш, бирга меҳнат қилиш, қўл билан кўришиш, ёнма-ён ўтириш мумкин. Битта идишда овқатланиш, бир жойда ювениш ҳам касаллик юқишига хавф туғдирмайди. ОИВ — грипп ёки бошқа тумов касалликларига ўхшаб ҳаво орқали тарқалмайди. Чивин ёки бошқа ҳашаротлар ОИВ инфекциясининг ташувчиси бўла олмайди.

ОИВ инфекцияси қуйидаги шароитларда юқиши мумкин:

- ОИВ инфекциясига чалинганлар билан жинсий алоқа қилганда;
- ОИВ билан касалланганлар қонини қуйганда;
- ОИВ билан касалланган аёллардан туғилган болаларга;
- стерилланмаган шприц ва игналардан такрорий фойдаланилганда (айниқса, шприц орқали наркотик модда қабул қилувчилар орасида).

Шунингдек, ОИВ вируси турмуш шароитида ишлатиладиган шахсий гигиена буюмлари (соқол олиш асбоблари, тиш чўтқаси ва шу каби ўткир, санчилувчи буюмлар) орқали ҳам юқиши мумкин.

Соғлом одам организмга зарарланган қон ёки қон маҳсулотлари қуйилганда ОИВ билан зарарланиш хавфи ўта юқори (90 фоиз) саналади. Қондаги юқумли касалликлар қўзғатувчилари

хусусан, ОИВ инфекцияси лаборатория таҳлили орқали аниқланади.

ОИВ инфекциясининг лаборатория таҳлили организмда ОИВ инфекцияси бор ёки йўқлигини ташхислаб беради. Қон таҳлили — ОИВ билан зарарланганликни аниқлашнинг энг ишончли усулидир. Текширув ўтказилишдан олдин ҳар бир шахсга текширувнинг мақсади, услуби, натижаси ва юзага келиши мумкин бўлган руҳий тушқунликнинг олдини олиш мақсадида руҳий маслаҳат берилди.

ОИВ инфекциясининг лаборатор таҳлили — организм иммунитет тизими томонидан ОИВ инфекциясини салбий таъсирига жавобан ишлаб чиқарилган антитело борлигини аниқлайди. Кўпинча ушбу антителоларнинг ҳосил бўлиши ўртача 3-6 ой (баъзан 6 ҳафтадан 10 йилгача) муддат ўтишини тақозо этади. ОИВ инфекцияси билан зарарланган инсонга ўз вақтида зарурий даволаш тадбирларини ташкил этиш, яъни касаллик ривожланишини секинлатиш учун белгиланган дори-дармонлар билан даволаш, яхши овқатланиш, кўпроқ дам олиш ва албатта, руҳий хайрихоҳлик маслаҳатини бериш керак. Бундай амалиёт ОИВ/ОИТС билан зарарланган бемор умрини узайтириш учун хизмат қилади.

Ҳозирги кунда амалиётда фойдаланиладиган антиретровирус дори воситалари касаллик ривожланишини тўлиқ тўхтатмайди, бироқ секинлатади. Антиретровирус дориларининг бир неча хилдан комплекс фойдаланиш натижасида ОИВ инфекциясининг инсон организмни иммун тизимига салбий таъсири камайиб, ОИТС касаллиги ривожланишини бирмунча секинлаштиришга эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳон олимлари, илмий-текширув лабораториялари, ОИВ инфекциясининг олдини олувчи вакцина ишлаб чиқиш устида изланмоқдалар бироқ бу борада ҳозирча бирон-бир ижобий натижаларга эришилгани йўқ.

Инсон саломатлиги ва келажак авлодлар камолотига жиддий таҳдид солувчи бундай оғир хасталиклар, асосан, носоғлом турмуш кечириётган, етарли тиббий маданиятга эга бўлмаган инсонлар ҳамда гиёҳвандлар ўртасида қайд этилади. Шу боис, ОИТС ва жинсий йўллар билан юқувчи оғир хасталиклар тарқалишининг олдини олишда ёшларимизга маънавий жиҳатдан тарбия беришимиз, уларга аждодларимизнинг юксак инсоний фазилатларини чуқур ўргатишимиз, ҳалоллик, поклик тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва қадр-қиммати нечоғлик улуғлигини мунтазам ўқитириш, тиббий билим ва дунёқарашини тинимсиз ошириб боришимиз лозим.

Қайд этиш лозимки, юрти- мизда ОИВ инфекциясига қарши ўтказилаётган тадбирлар давлат миқёсида назоратга олинган, бу тадбирларга барча мута- садди вазирликлар, ташкилотлар, турли корхоналар ҳамда кенг жамоатчилик жалб этилган. Бу эса, республикада ОИВга қарши ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оширишга имкон яратмоқда.

**З. КОДИРОВ,**  
ИИВ Санитария-  
эпидемиология назорат  
бош маркази бошлиғи,  
подполковник.

## ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

ЎҒИЗРАБОТДАГИ  
ХАЙРЛИ ИШЛАР

Богот туманидаги Ўғизработ қишлоғида ўн минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 4 минг 244 нафари вояга етмаганлардир. Фуқароларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан банд. Шунингдек, қишлоқда тикувчилик цехлари, шולי ва ун тегирмонлари, дурадгорлик, темирчилик, чилангарлик устахоналари, кўплаб маданий-маиший масканлар ишлаб турибди. Иқтисодий жиҳатдан салоҳияти юқори бўлган бу қишлоқда шу йил замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган касб-хунар коллежи ҳамда умумтаълим мактаби бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур гўшада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Соғлом турмуш тарзини шакллантириш айна кундаги муҳим вазифалардан биридир, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Зулфия опа Саъдуллаева. — Айниқса, ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг гиёҳвандлик ҳамда турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиши олдини олиш мақсадида ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Огоҳлик — давр талаби», «Ёшлар келажагимиз», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» каби мавзуларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилапти.

Йил бошидан ҳудуддаги ҳар бир маҳаллада белгиланган режа асосида тарғибот гуруҳлари ташкил этилди. Улар хонадонларда бўлиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш, огоҳлик ва одам савдоси билан боғлиқ масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб боришаёпти. Шунингдек, тунги навбатчилик гуруҳлари доимий фаолият юритаётгани осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликда амалга оширилган бундай ибратли ишлар натижасида жорий йилнинг ўн ойи кўнгилдагидек яқунланди.

Оила муқаддас эканлигини қишлоқ аҳли онгига чуқур синдириш ниятда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мактаб ўқувчилари ўртасида «Оилам — фахрим», «Маҳалла тинч — юрт тинч», «Она буюк зот» каби мавзуларда иншолар танлови ўтказилмоқда. Голиблар туман халқ таълими бўлими, мактаб маъмурияти ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан Фахрий ёрликлар ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирланяпти. Бундай талбирлар оилавий келишмовчиликлар ҳамда кўни-кўшнлар ўртасида содир бўлаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

— Тўй ва бошқа маросимларни тинч, осойишта, камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказиш албатта, маҳалла фаоллари зиммасидаги энг муҳим вазифалардан биридир, — дейди қишлоқ фуқаро

ролар йиғини раиси Матназар Раҳмонов. — Шу боис қишлоқ ҳамда маҳаллаларда тўй ва маросимларни ўтказиш комиссиялари тузилган бўлиб, уларга катта ҳаётий тажрибага эга бўлган фаоллар жалб қилинган. Умуман, ҳудудда тинчликни сақлаш, фаровонликка эришишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Зулфия Саъдуллаева, профилактика инспектори, капитан Умрбек Жуманиёзов, маҳалла оқсоқоллари Худойберган Ёқубов, Оллаберган Тиллаев, Тоҳир Юсупов, тажрибали фермер Болтабика Бакиева, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Дилмурод Нурметовларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Қишлоқнинг Қўлдов маҳалласида истиқомат қилувчи Р. Роҳат яширин равишда оғу истеъмол қилаётгани сабабли оиласида жиддий муаммолар пайдо бўла бошлади. Бундан хабар топган фаоллар туман ички ишлар бўлимига мурожаат этиб, Р. Роҳатни мажбурий даволаш муассасасига ётқизиш таклифи билан чиқишди. Уч ой давомида шифокорлар назоратида бўлган аёл саломатлигини тиклаб, ўз оиласи бағрига қайтди...

Олчин солма маҳалласида яшовчи Қ. Бахтиёр ҳамда турмуш ўртоғи Э. Олтин гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан шугулланганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, жазо муддатини ўтаб қайтишган. Маҳалла фаоллари улар билан доимий алоқада бўлиб туришгани боис, уч нафар вояга етмаган фарзандлари билан тинч-тотув яшашмоқда.

Юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш жамият ривожига муҳим аҳамият касб этади. Ўғизработ қишлоғида олиб борилаётган хайрли ишлар давом этаётгани, одамлар тотув, ҳамжихатликда умр кечираётгани боис аҳолининг ижтимоий аҳволи тобора яхшиланиб бормоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
ўз мухбиримиз.  
Хоразм вилояти.

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ

БЕДОРЛИК  
МАСКАНИ

Бошқа соҳалардан кескин фарқ қилувчи ички ишлар идоралари тизимини навбатчилик қисмига тасаввур этиш мушкул. Боиси, ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазият, барқарорликни кузатиб бориб, таҳлил этиб, ходимларга тегишли топшириқларни етказиш, ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳақидаги хабар асосида тезкор-тергов гуруҳни воқеа жойига юбориш соҳавий хизматлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш каби вазифалар хизмат асосини ташкил этади. Шахрисабз тумани ИИБ навбатчилик қисми ходимлари ўз бурчларига сикидилдан ёндашиб, эл-юрт тинчлиги, фуқаролар хотиржамлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Эрталабки йўриқномадан сўнг хизматга киришган катта навбатчи, капитан Шерзод Норқўзиев вилоят ИИБ ва туман ички ишлар бўлими раҳбарлари томонидан берилган янги топшириқни ўз ҳудудларида хизматни давом эттираётган ходимларга етказишга киришди. Шу орада телефон кўнғироғи бўлди. Гўшакни кўтариши билан «Алло, ички ишлар идо-

расими?» деган хаяжонли овоз эшитилди.

— Худди шундай, ички ишлар бўлими навбатчи-ёрдамчиси, сержант Исмоил Жўраев эшитади. Кўнғироқ қилаётган шахс шошганча хабарини баён этди. Унинг сўзларига қараганда, кўшни Яқабобдан Шахрисабз туманига келган Х. Қобилов Тутзор маҳалласида жойлашган автомобиллар тўхташ жойига «Ваз – 2106» русумли автомашинасини қўйиб, бир танишининг уйини ахтариб кетади. Орадан ўн беш дақиқалар чамаси вақт ўтиб, Х. Қобилов қайтиб келса автомашина жойида йўқ.

Исмоил Жўраев мазкур хабарни катта навбатчи, капитан Ш. Норқўзиевга, у эса вилоят ИИБ навбатчилик қисмига етказди. Шундан сўнг вилоят миқёсида «Тўсиб ушлаш» тадбири эълон қилинди. Туман ИИБ навбатчилик қисми ходимлари вазиятни тўғри таҳлил этгани ва осойишталик посбонлари олиб борган тезкор ҳаракатлар натижасида гумондор автомашинани Шахрисабз туманидаги Шаматон қиш-

лоғида бошқариб бораётганида қўлга олинди. Суриштирувлар давомида автомобилни олиб қочган шахс Чоштепа қишлоғида яшовчи, муқаддам судланган А. И. бўлиб чиқди. Автомашинани ўз эгасига соз ҳолда қайтарилди.

— Илгари тумандан юз ва ундан ортиқ қақримда жойлашган тоғли қишлоқларда хизмат қилувчи ходимлар билан алоқа қилиб бўлмасди. Айниқса, кўшни Тожикистон республикаси билан чегарадош сарҳадлар дахлсизлигини таъминлаш анча мушкул эди, — дейди капитан Ш. Норқўзиев. — Тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янги техника воситалари билан таъминланаётганимиз туфайли бу муаммо ўз-ўзидан барҳам топди.

Ҳозир ҳатто бошқарма тоғли ҳудуд ЖКБ ходимлари билан ҳам бемалол алоқа ўрнатилиб, олис қишлоқлардаги вазият тўлиқ назоратга олинган. Бу имкониятларнинг барчаси албатта, мустақиллик шарофати туфайлидир.

**СОДИҚ РАҲИМОВ.**  
Қашқадарё вилояти.

## ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ҲАМИША  
УСТУВОР

**Истиқлол йилларида Фарғона шахри янада чирой очди. Кўзни қамаштирувчи бино ва иншоотлар қад кўтарди, кўча-ҳиёбонлар ҳар томонлама кўркамлашди. Шаҳар марказидаги улуг бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталувчи истироҳат боғи ҳам бу ўзгаришлардан четда қолгани йўқ.**

Энг гавжум масканлардан бири бўлиши ушбу истироҳат боғидаги мол-мулклар, бино-иншоотларни муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бу ерда хизмат ўтаётган Фарғона шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимларидан катта масъулият талаб этиши тайин.

— Аҳмад ал-Фарғоний номи истироҳат боғи Фарғонанинг мўътатар жойларидан бири ҳисобланади, — дейди бўлимга 1-взвод командири, катта сержант Дилшод Юсупов. — Шу боис бу ерда хиз-

мат олиб бораётган ходимларимиздан масъулиятни чуқур ҳис этишни талаб қиламиз. Улар ўз вазифаларини пухта бажаришса, ҳар лаҳза ҳушёр иш олиб борсалар истироҳат боғи янада файзли, ундаги мол-мулклар дахлсизлиги бардавом бўлаверади.

Ҳозирда бўлимга шахсий таркиби томонидан 121 та турли хил халқ хўжалиги объектлари, банк муассасалари ва 310 та фуқаролар хонадони кўз қорачигидек муҳофаза қилинмоқда. 382 нафар ходим меҳнат қилаётган жамоа асосан ёшлардан иборат эканлиги, ҳамжи-

ҳатликда иш олиб борилаётгани муносиб ютуқлар қўлга киритилишига асосий омил бўлаётган. Жумладан, жорий йил бошидан янги 14 та объект муҳофазага олинди. Бу ҳам бўлима хизматида бўлган ишончинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Шахсий таркибининг жисмоний ва касбий маҳоратини ошириб боришга алоҳида аҳамият қаратилади. Ўқув машғулоти, Маърифат дарслари ўтказилиб, унда ходимларнинг сиёсий-ижтимоий билимларини ошириб бориш, шу орқали Ватанга муҳаббат, касбга садоқат ғояларини шакллантириш энг устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ўтган йил мобайнида бўлимга ходимлари бир неча бор муҳофазаларидаги муассаса ва бошқа объектларда бўлиб, қўриқлашнинг техник мустаҳкамлигини текшириб чиқишди. Шунга асосан раҳбарларга аниқланган камчиликларни зудлик билан тугатиш юзасидан тақдимномалар киритилди.

Қўриқлаш бўлими ходимлари зиммаларига юклатилган вазифаларни сикидилдан адо этиш билан бирга, шаҳарда ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар осойишталигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшиб келишмоқда.

Жумладан, йилнинг ўтган даврида 22 та майда ташмачилик ҳолатлари аниқланиб, ўзлаштирилаётган моддий бойликлар ўз вақтида тўхта-тиб қолинди. Соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда 4 та жиноят «иссиқ изида» очилишига эришилди.

**ҚОСИМЖОН ОХУНОВ,**  
капитан.  
**Абдувосит СИДДИҚОВ.**  
Фарғона вилояти.



Суратда: катта сержант Дилшод Юсупов  
ходимларга йўриқнома бермоқда.

## ИИБ МАТВУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

ДЕВОР  
ОША КИРИБ...

«Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик», дейди доно халқимиз. Афсуски, бу ҳикматнинг маъносига тушуниб етмаганлар ўз ҳаётларини ўзлари бадном қилишади. Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида номаълум шахс З. Тўлепбергеннинг уйига девор ошиб кириб, у ердан 100 АҚШ доллари, 7000 тенге ва 500 минг сўмдан ортиқ пулларни ўғирлаб кетди.

Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни О. Жулдас содир этганликда гумонланиб, қўлга олинди.

## ЁЛҒОН ХАБАР ОҚИБАТИ

Бугунги кунда ёлғон кўргазма бериб, ички ишлар ходимларини чалғитаётган, уларни беҳуда овора қилаётган «жабрдий-далар» ҳам учраб турибди. Жумладан, Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ИИБга фуқаро Д. Равшан номаълум шахслар уни кўрқитиб, ёнидаги пулларни олиб қўйишгани ҳақида хабар берди.

Олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Д. Равшан ёлғон кўрсатма берганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзга-тилди.

## ВОҚЕА ЖОЙИДА УШЛАНДИ

Бели оғримай пул топишни истовчи баъзи инсонлар ўзларича турли хил режалар тузишади. Жавобгарликдан қочиб қутуламан деб ўйлаб, жиноятга жазо муқаррарлигини эсдан чиқариб қўйишади.

Тошкент шахрининг Чилонзор туманида жойлашган «Абу Сахий» савдо мажмуаси олдида С. Жамшид тадбиркор Б. Пулатнинг қўлидан ичида 300 минг сўмдан ортиқ пули ва 50 АҚШ доллари бўлган сумкасини юлқиб тортиб олиб қочди. Аммо «бузоқнинг югургани сомонахонагача» деганларидек воқеа жойининг ўзидаёқ қўлга олинди.

## ТАЛОНЧИ... АЁЛ

Биз одатда аёл кишини нозик хилқат сифатида эъзозлаймиз. Аммо ана шундай эҳтиромга нолойиқ аёллар ҳам афсуски орамингда учраб турибди. Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида номаълум аёл Л. Гулмирани куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефони олиб қўйди. Ички ишлар ходимлари дарҳол ишга киришишди. Натижада ушбу талончилик жиноятини Э. Шаҳноза содир этганлиги аниқланди.

**Ёқубжон БОБОЖОНОВ,**  
лейтенант.

## ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

АЛДОВГА  
УЧГАН АЁЛ

Бугунги кунда юртимизда хусурий транспорт воситаси харид қилиш унча муаммо эмас. Бунинг қонун-қоидаларини билганлар асло қийналмай автосалонлардан ўзлари истаган русумдаги автомобилани сотиб олишлари мумкин. Бирок яратилган имкониятдан фойдаланмай, кимнидир воситачи қилиш, айниқса, ўзи яхши танимаган одамни ўртага қўйишни фақат соддалик деб бўлмайди.

Навойи шаҳрида яшовчи Г. Раёно анчадан буён «Нексия» русумли автомобиль олишни орзу қиларди. Бу ҳақда ўзи билан бирга ишлайдиган дугонасининг уйига меҳмонга борганида сўз очиб қолди.

— Шундай ниятда юрганингиздан хабарим бор, — деди дугонасининг турмуш ўртоғи Аҳмад ака. — Янгангиз тунов кунни шу ҳақда гап очгандай бўлувди. Энди гап бундай, Раёнохон. Менинг Саид исмли бир танишим бор. Уддабурон, ҳунарманд, ҳалол-покиза йигит. У машина олди-сотдиси билан шуғулланиб, одамларнинг ҳожатини чиқариб юрибди.

Чиндан ҳам Саид исмли йигит Аҳмад акага яқиндан таниш бўлиб, бундан уч йилча бурун унинг шахсий савдо дуконига «PAYNET» жиҳозлари ўрнатиб берган ва бу ишни юритиш учун ўзи билан никоҳсиз яшаб келаётган аёлни жойлаб қўйганди. Улар ўзаро борди-келди қилмасалар ҳам бир-бирларини яхши биладигандек туюларди.

— Аҳмад ака, «Дамас» муборак бўлсин! — деганда Саид бир кунни ошнасини янги машинада кўриб. — Қачон олишга улгурдингиз, сир бўлмаса, қанчага тушди?

Аҳмад ака машинани бир таниши олиб бергани, аммо анча овора бўлганидан шикоят қилди.

— Менга бир огиз айтмайсизми, беш ой эмас, икки ҳафтада машиналик бўлардингиз, — деганди ушанда Саид.

Аҳмад ака «уддабурон» деганида ана шу йигитни назарда тутган эди.

— Жон ака, — деди Раёно Аҳмад акадан бу гапларни эшитиб. — Ўша йигитни тезроқ топиб беринг, гаплашайлик. Мен пулни олдиндан беришга ҳам тайёрман.

Шу сўзлардан сўнг Аҳмад ака Саидни дарҳол излаб топди ва Раёнонинг гапларини етказди.

Саид бу ишни узоғи билан 15 кунда уддалашди, шу вақт ичида яп-янги «Нексия» автомашинаси Раёнонинг дарвозахонасидан жой олиши, бунинг учун олдиндан 21 миллион сўм тўланиши лозимлигини айтди. Шубҳасиз, Раёно ушбу сўзлардан мазмундан шу кунгича хабар топди. Кўпдан буён харидор бўлиб юрган кишига шаҳардаги уч хонали уйини 40 миллион сўмга пуллади.

Раёнонинг «ҳожатбарор» йигит билан учрашуви Аҳмад ака ва яна бир гувоҳ аёл иштирокида бўлиб ўтди.

— Не орзулар билан эришган бошпанамни сотиб, сиз айтган пулни олиб келдим, ука. Улар манглайм теридай ҳалол. Тагин мени чув туширманг, — деди Раёно пулларни Саидга берар экан.

— Нималар деяпсиз, опагон?! — деди Саид ўзини хотиржам тутиб. — Мен бундан ўн-ийгирма баравар кўп пулни кўрганман. Мабодо ишонмасангиз, марҳамат, пулингизни ҳозироқ қайтариб олишингиз мумкин. Қолаверса, ўртада Аҳмад ака турибдилар. Мана, яна бир гувоҳ опамиз бор. Машина менга эмас, сизга керак-ку, ахир!

Учрашув ва «музокара» томонларнинг мамнунлиги билан ниҳоясига етди. Роппароса ўн беш кундан кейин «Нексия»ни «гизинглатиб» олиб келишга ваъда берган Саидни Раёно шу икки ҳафта ичида бир неча марта безовта қилди. «Ҳали ай-тилангизми?»

«Ҳали ай-тилангизми?» қабилдаги жавоблари билан унга таскин бериб юрган Саид ўн олтинчи кун қаергадир ғойиб бўлди. Раёно бутун шаҳарни кезиб «уни кўрдим», деган одамни учратмади. Кунлар ўтган сари Саидни топиб берган Аҳмад ака ҳам виждон азобидан азият чека бошлади. У Раёнонинг: «Саидни топиб, пулларимни олиб берасиз», деган асосли қистовлари олдида бошини эгиб туришдан бошқа чора тополмади. Саиднинг ноқонуний хотини эса: «Менинг бу гаплардан хабарим йўқ. Аммо Саид ака инилари билан автомашина олиб келиш учун Россияга кетганлар. Бир ой ичида келиб қолишса керак», дея ўзини четга олди.

Саиднинг Россияга кетгани рост бўлиб чиқди. У анча вақтдан кейин учта «ВАЗ – 2107» русумли машина билан қайтиб келди. Ниҳоят Саид Раёнога рўпара бўлди.

— Истасангиз шу машиналардан бирини танлаб олинг, — деди у аёлга. — Агар йўқ десангиз уларни пуллаганимдан кейин сизга «Нексия»ми, «Матиз»ми олиб беришим мумкин. Фақат бироз кутишингизга тўғри келади.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Аммо панд еб юрган Раёно Саиднинг бу ваъдасига ҳам ишонди-қолди. Саид Россиядан олиб келган машиналарини тегишли идораларда расмийлаштиргунча орадан яна бир ой вақт ўтди. Кейин уларни ўзи истаган нархда сотолмай, хуноби ошиб юрди. Кўп ўтмай ўзининг ҳам қораси бутунлай ўчиб, ҳеч кимга кўриниш бермади.

Раёно машмашалар бошланиб, орадан тўрт ойлар ўтгандан сўнггина Навойи шаҳар ИИБга мурожаат қилди. Қаёққа кетгани номаълум бўлган фирибгарни излаб топиш ва қўлга олиш учун яна шунча вақт керак бўлди. Ниҳоят турли расмийликлардан сўнг уни сўроқ қилиш учун Навойи шаҳрига олиб келишди. Саид қилмишини тан олди.

Огоҳ бўлинг! Бу сўзлар кўп гапирилди. Бу сўзлар нафақат бало-қазолар, балки товламачи, фирибгар, ўғри ва мунофиқлардан ҳам эҳтиёт бўлишга даъват этмаяптими? Биз бу чақирқни қалбимиз билан ҳам тинглай олишимиз керак.

Мирзохид НОМЗОВ,  
майор.  
Сулаймон ШОДИЕВ.

Навойи вилояти.

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Биз тафсилотини келтирмоқчи бўлган жиноят ҳар қандай кишини уйга толдиради. Чунки ҳали балоғат ёшидаги М. Собир ва З. Нодирнинг қилмиши ҳақида эшитганлар ҳайратдан ёқа ушлашади. Уларнинг иккиси ҳам Андижон шаҳрида яшайди. Бири коллеж талабаси, иккинчиси эса бекорчи.

Икковлон жорий йилнинг май ойида Андижон шаҳридаги 2-кичик даҳадаги кўп қаватли уйларнинг бирида ижарада туриб, қўшмачилик билан шуғулланувчи С. Малоҳатниқига боришди. Уларнинг хоҳишини бажариш учун хонадон соҳибаси уйдаги аёллардан бирини рўпара қилди. Хизмат ҳақи учун яхшигина пул олган Малоҳат йигитлар билан хайрлашаётганда келиб туришни тайинлади.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Нодир Собирнинг олдида бориб, кўнглини очди:

— Менга анча пул керак бўлиб қолди. Маслаҳат бер, қаердан олсам экан.

— Ўзингда йўқ, оламда йўқ, — деди Собир. — Ақлни ишлатсанг пул топилади, ошна!

— Бўлмаса ўша ақлни ишлатайлик!

— Менда бир таклиф бор. Буни Малоҳат опаникида жонлар билан бирга бўлганимизда кўнглимга тугиб қўйган эдим. Эйтибор бердингми, опанинг мижозлари кўп экан. Бири кетса иккинчиси келяпти. Демак, Малоҳат опанинг пули ҳам кўп.

— Хўш, бу билан нима левоқчисан?

— Агар опанинг уйига ўғирликка тушсак катта бойликни қўлга киритамиз.

— Қандай қилиб? Ахир ишратхонадан куну тун мижозлар аримайди-ку!

овлаш билан шуғулланувчи Т. Тамара уй эгасининг жасадини кўриб турган жойида қотиб қолди. Икки газанда унинг ҳам жонига қасд қилди.

Шу тариқа улар икки инсоннинг ҳаётига зомин бўлишди. Лекин хонадонда мол-мулк кўп эмасди. Шундай бўлса-да, қотиллар сотишга арзийдиган уч-тўртта рўзгор буюми ва жиҳозларни олиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Мазкур жиноят бўйича тезкор-тергов ишларини олиб

борган вилоят ИИБ ҳамда Андижон шаҳар ИИБ ЖК ва УЖҚКБ ходимларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида қотиллар қисқа вақт ичида қўлга олинди. Энди Нодир ва Собир қилмишларига яраша жавоб беришади.

Шу ўринда бир мулоҳаза юритиб кўрсак. Ушбу қотиллик содир этилмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Халқимиз «Ҳаё кетди — бало етди» деб бежиз айтмаган. Агар Малоҳат бошқа аёллар каби ҳаёли-иболи бўлиб, қўшмачилик орқасидан эмас, ҳалол меҳнат билан кун кечирганида эди, бундай қисқа умр кечирмаган, ҳаётнинг завқшавқидан баҳра олиб яшаб юрган бўларди. Бахтли, фаровон яшаш аввало, ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Барча ҳавас қиладиган бахтга ҳалол меҳнат ва соғлом турмуш кечириш билан эришишимизни ҳеч қачон унутмайлик.

Азизхон БУЗРУКОВ.

Андижон вилояти.

## ТЕРГОВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

ТОҒА-ЖИЯН  
«ҲАНГОМАСИ»

Сайхунобод туманида рўй берган воқеалар кўпчилик ҳайратга тушди. Шу туманда яшовчи тадбиркор К. Акбарнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) хонадонига ўғри тушиб, кўп миқдордаги пулни ўғирлаб кетади. К. Акбар вақтни бой бермай тезда туман ИИБга бу ҳақда хабар беради. Тезкор-тергов ишлари олиб борилиши натижасида айбдор аниқланиб, қўлга олинади ва терговга топширилади.

Хонадонга ўғриликка тушган шахс коллеж ўқувчиси А. Қодир экан. У воқеани қисқача шундай баён этди:

— Мен К. Акбарларга жиян бўламан, уларнинг хонадонига тез-тез бориб тураман. Анча бой яшашида. Кўпинча пулларни очик жойда қолдириб кетишади. Охирги марта борганимда ҳаммалари кўча дарвозахонасида ўтиришганини билдим. Иккинчи кўчадаги дарвоза орқали билдирмай кириб бордим. Қарасам, ётоқхона эшиги қия очик. Пуллар асосан шу ерда туришини билардим. У ёқ, бу ёққа қарадим. Ҳеч ким мени кўрмаганига ишонч ҳосил қилиб, ичкарига кирдим. Сервант ёнида оқ елим халтада пул турибди. Шу пайт ҳовлида тоғамнинг йўталгани эшитилди. Бироз жим турдим. Кейин пулни олиб секин ташқарига чиқдим. Дарвозахонада ҳаммалари гаплашиб ўтиришарди. Кирган иккинчи дарвозадан чиқиб кетдим. Йўлда пулни санаб кўрсам, уч миллион сўм экан. Уйга бориб, пулни молхонага яширдим.

Қодир эртасига икки нафар тенгодоши, дўстини олиб, Гулистон шаҳрига боради. Уларни меҳмон қилиб, совғалар олиб

беради. Хуллас пулнинг бир қисмини ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади.

Биз Акбарни чақириб, ўғрини тутганимиз, у айбини тан олгани, аммо ўғирланган пул олти миллион эмас, уч миллион сўм эканлигини айтганимизда у тугоқиб кетди. Ҳатто қолган пулни ички ишлар ходимлари ўзлаштириб олган дейишдан ҳам уялмади. Кейин биз гумондор билан юзлаштирдик. У не кўз билан кўрсинки, қаршисида жияни ўтирарди. Ранги кув ўчиб индамай қолди. Бироздан кейин ўғирланган пул ҳақиқатан ҳам уч миллион сўм эканлиги ҳақида кўрсатма берди.

Биз жиноят содир этган йигитчанинг ёнини олмоқчи эмасмиз. У қилмишига яраша тегишли жазога тортилди. Ўғирланган пуллар эгасига қайтарилди. Аммо жабрланувчининг инсофсизларча ўғирланган пулни икки баравар қилиб ундириб олмоқчи бўлгани муттаҳамлик-ку! Агар ўғри жияни эмас бегона шахс бўлган-да, яна нималарни даъво қилмасди, дейсиз.

Бахтиёр БОБОМУРОДОВ,  
майор.

Сурдарё вилояти.

ҚЎШМАЧИНING  
ЎЛИМИ

нинг Эски шаҳар ҳудудида жойлашган бозордан қўлбола ханжар сотиб олишди. Шу кун тунги соат 23.30 ларда қўшмачилик билан шуғулланувчи Малоҳат опанинг уйига келиб, эрталабгача ишрат қилмоқчи эканликларини айтишди. Бўйдоқ йигитлардан яхшигина пул ишлаб олишини ўйлаган Малоҳат уларнинг таклифига рози бўлди ва аёллар билан таништиргач, қўшни хонага кириб, уйқуга кетди.

Тунги соат 04.00 лар чамаси Нодир билан Собир ухлаб ётган Малоҳатнинг боши, кўкраги, бўйни ва юзига ханжар санчиб, ваҳшийларча ўлдиришди. Аёлнинг қаттиқ бақирганини эшитиб уйғониб кетган, шу хонадонда мижозларнинг кўнглини



«ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» танловига

**Нилуфар эрталаб дарё ёқалаб мактабга борарди. Ногаҳон жарнинг тепасидан сувга қулаган машинага кўзи тушди. У жарга яқинроқ бориб разам солган эди, машинанинг ичида бошини рулга қўйганча ҳушсиз ётган ҳайдовчини кўрди. Қизалоқ бирпас нима қилишини билмай турди-да, ортига югуриб кетди...**

Ушбу воқеа ҳақида ички ишлар бўлимига хабар берилиши билан тезкор гуруҳ айтилган манзилга етиб борди. Қора рангли «Нексия» кран ёрдамида сувдан чиқарилганда оғир жароҳат олган ҳайдовчи оламдан ўтган эди. Унинг ёнидан ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда машинанинг техник паспорти чиқди. Марҳумнинг исми-шарифи Азамат Холматов экан. Тезкор гуруҳ сафидаги профилактика инспектори унинг бу ҳудудда яшамаслигини маълум қилди. Ички ишлар ходимлари машинани синчиқлаб кўздан кечириб бошлашди. Шу пайт воқеа жойига туман прокуратураси терговчиси Абдували Мамазиев келди. У ходимлар билан кўришар экан, тезкор гуруҳ раҳбари, майор Шохрух Курбоновга юзланди:

– Бирор ашёвий далил борми?

– Ҳа, бор, – деди Курбонов қўлидаги елим халтачага ишора қилиб. – Мана, машина салонидан аёл кишининг соч толаси ҳамда кичкина пичоқча топилди.

– Айтмоқчисизки, қотиллик аёл киши билан боғлиқ. Машина дарёга нега қулади экан ёки ҳайдовчи маст бўлганми?

– Буни экспертиза ҳулосаси кўрсатади, – деди майор Шохрух Курбонов олди қисми буткул пачоқланган машинадан кўзини узмай.

– Эҳтимол тормози ишламай қолгандир. Биласизми, шу топда бир воқеа ёдимга тушди. Мактаб пайтида синфимиз темир-терсак йиғиб, фаоллик кўрсатганда ўқувчиларга тоққа саёҳат қилиш учун йўлланма берилди. Табиат бағрида мазза қилиб дам олдик. Аммо ортимизга қайтаётганимизда ҳайдовчи кутилмаганда тормоз ишламай қолгани, машина унга бўйсунмаётганини айтди. Тепаликдан тушаётган автобуснинг тезлиги тобора ошиб борарди. Ҳайдовчи усталик билан рулни йўл четидоғи ариқча бурган эди, машина енгил ағанади. Бир-икки киши жароҳат олди холос, бироқ ҳамма омон қолди.

– Худо бир асраган экан. Мени бошқа нарса ўйлантирапти. Кимдир фарзат мақсадда тормозни ишламайдиган қилиб қўйган бўлиши мумкинми? – сўхбатдошига синовчан тикилди терговчи.

– Бундай тахмин менинг ҳам хаёлимдан ўтган эди, – деди Шохрух Курбонов қўшларини чимириб. – Ҳозирча бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Мутахассислар машинанинг техник ҳолатини текшириб кўргандан кейингина масала ойдинлашади.

– Бўлмаса экспертиза натижасига қараб иш кўрамиз, – деди Мамазиев бир текис оқайтган дарёга назар ташлаб. – Топилган соч толаси ва пичоқча кимга тегишли эканлигини аниқлаш ҳам сизнинг зиммангизда, келишдики?

– Яхши.

Улар эртаси кўни ички ишлар бўлими бошлиғи ҳузурда учрашишга келишиб, ҳайрлашишди.

Эшик кўнғироғи чалинди. Тунда навбатчиликни топшириб қайтган Санобар уйкуга тўймагани учун эринибгина ўрнидан турди. Ваннахонада юзини ювиб, «хозир» дея йўлакча томон юрди. Эшик тиркишидан мўралади. Ундан бир даста ўзи севган оқ атиргуллар кўринди. Кувончи ичига сиймай, эшикни очибга ошди. Айни мудоао, турмуш ўртоғи бир соатча олдин хизмат сафарига кетган. Санобар «меҳмон»ни ич-

карига бошлар экан, эркаланиб бўйнига осилди.

– Нега йўқ бўлиб кетдингиз, жоним? – деди у ноз аралаш.

– Биласиз-ку, бир неча кундан бери хорижда эдим.

– Сиз шунақа... қочқоқсиз.

– Сиз эса қувлоқсиз.

– Ажаб қиламан, – деб жазманининг юзига оҳиста шапатилади Санобар ўзини гўё кино қахрамонидек тутиб.

– Ҳўш, қандай янгиликлар бор, хоним? – Асадбек нозланаётган аёлга савол назари билан боқди.

– Инжиқ эрим жонимга тегди, хизмат сафаридан келиши билан ажралиш ҳақида оғиз очаман.

– Агар ажрашсангиз унинг 50 фоиз акцияларини қўлга киритасизми?

– Энди машинани эҳтиёт бўлиб бошқаринг! – дея унга нозу қарашма билан боқди қиз. – Илойим бошқа бу ерга қайтиб келманг.

– Келмайман дейману, аммо сизни бир зум кўрмасам бирор нарсамни йўқотгандек бўлиб юраман, – деди йигит қизга синовчан қарар экан.

Бу гап Санобарга хуш ёқди, аммо сир бой бермаслик учун ўзини бепарво тутди. У ширин жилмайиб:

– Телефон рақамимни бердим-ку, соғинсангиз сим қоқарсиз, – деди. Бунга жавобан йигит унинг қўлини ушлади.

– Санобар, мен сизни севаман...

\*\*\*

Санобар мактабни тамомлаб, тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Бир қарашда ҳар қандай йигитнинг эс-ҳушини ўғирлайдиган, қадди-қомати сарвдек, қошлари ҳийла туташган, табассум қилганда кулгили ўзига ярашиб турувчи бу қизни кўз остига олиб қўйган-

бир кун яшаса-да, унинг ўрнида бўлиб қолишни истади. Ахир қайси тили билан оилали эркак билан учрашиб юрганини айтади. Ҳатто ҳамкасбларидан айримлари улар ўртасидаги муносабатни билишади. Нима қилсин, Асад акасисиз яшолмаса, у билан ўтган давларни бир зум унутолмаса. Санобар «ярқ» этиб онасига қаради. Унга бор ҳақиқатни рўй-рост айтиш вақти келганини англаб етди. Бир зум ўйланиб турди-да, барчасини шартта сўзлаб берди.

Саломат опа кизининг гапларини эшитар экан, ҳайратдан ёқасини ушлаб, анграйиб қолди. Яккаю ягона дилбанди, умиди, ҳаётининг мазмунидан кутгани шуми? У турли ҳадиклар, алам ила тутилган мушти билан хонтагани урди.

– Бўлди, бас! Шу пайтгача сен юзсизнинг раёингга қараган мен аҳмоқман. Мана, эркалатишининг оқибати. Энди менинг айтганим бўлади!

– Ойижон, тушунсангиз-чи, мен уни севаман!

– Учир овозингни, маҳмадона. Эртагаёк мен айтган йигит билан учрашувга чиқасан, ўшанга тега-сан, гап тамом, вассалом! – ўридан туриб кетди Саломат опа.

Киз ичкари уйга кирди-да, ҳўнграб йиғлаганча ўзини қара-вотта ташлади.

\*\*\*

Азамат иш тугаши билан уйга ошди. Хотинига бирор совға олиб бориш, хурсанд қилиш илинжида дўконга кирди. Катта-кон паҳмок юнгли айиқни танлаб, сотувчидан ўраб беришни илтимос қилди. Қора рангли «Нексия»сининг орқа ўриндиғига совғани ташлаб, машинани юргизди. Ҳаво ёқимли эди. Тунги шаҳар чироқлари чиройли нур сочарди. Оқшом жуда тароватли. Азамат маҳалланинг тор кўчаси бўйлаб борарди. Ниҳоят кўк рангли дарвоза ёнига келиб тўхтади. Машина сигналин эшитган Санобар ҳаворанг халатда қичиб, дарвозани очди. Эрининг димоғи чоғлигини кўриб, энсаси қотди.

– Намунча, тилла топиб олган одамдек оғзингиз қулогингизда, – деди у жеркиб.

Азаматни жаҳли чиқса ҳам ўзини босди. У кўринишидан жиддий бўлгани билан табиатан юв-вош, кўнгли очик, самимий йигит. Оилада ёлғиз фарзанд эмасми, энг яхши нарсалар унинг учун. Дадаси банк бошқарувчиси бўлгани сабабли яккаю ягона ўғли ҳам шу соҳани танлади. Иқтисодиёт университетини тамомлаган Азамат унинг ёнида ишлай бошлади.

Азамат ва Санобарнинг тўйи бўлганига етти ойдан ошди. Лекин келинчак бу хонадоннинг остона-сини оруз умидлар билан эмас, ойисининг қўстиви билан ҳатлади. Орадан шунақа вақт ўтса-да, эрига нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Балки уни менсимас, мабодо, раёинга қарши борса, жеркиб берарди. Азамат ишдан ҳориб келганида бирор маротаба хотинининг ширин табассум билан кўтиб олганини эслай олмайди. Эр унинг кўнглини олиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қўлини совуқ сувга ўрдирмади. Шаҳар марказидан данғиллама уй олиб, рўзгорини бўлак қилишига ҳам Санобарнинг дийдиёлари сабаб бўлди. Аммо булардан аёлнинг кўнгли ёришмасди.

Кўнларнинг бирида тунда ширин уйкуда ётган Санобар «Асад ака» дея тўлғонди. Буни эшитган Азамат ўрнидан сапчиб туриб кетди. У хотинини туртиб уйғотган эди, Санобар узоқ қариндоши тушига кирганини айтиб, ўзини оқлади.

\*\*\*

Азамат ва Санобарнинг тўйи бўлганига етти ойдан ошди. Лекин келинчак бу хонадоннинг остона-сини оруз умидлар билан эмас, ойисининг қўстиви билан ҳатлади. Орадан шунақа вақт ўтса-да, эрига нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Балки уни менсимас, мабодо, раёинга қарши борса, жеркиб берарди. Азамат ишдан ҳориб келганида бирор маротаба хотинининг ширин табассум билан кўтиб олганини эслай олмайди. Эр унинг кўнглини олиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қўлини совуқ сувга ўрдирмади. Шаҳар марказидан данғиллама уй олиб, рўзгорини бўлак қилишига ҳам Санобарнинг дийдиёлари сабаб бўлди. Аммо булардан аёлнинг кўнгли ёришмасди.

Кўнларнинг бирида тунда ширин уйкуда ётган Санобар «Асад ака» дея тўлғонди. Буни эшитган Азамат ўрнидан сапчиб туриб кетди. У хотинини туртиб уйғотган эди, Санобар узоқ қариндоши тушига кирганини айтиб, ўзини оқлади.

\*\*\*

Азамат ва Санобарнинг тўйи бўлганига етти ойдан ошди. Лекин келинчак бу хонадоннинг остона-сини оруз умидлар билан эмас, ойисининг қўстиви билан ҳатлади. Орадан шунақа вақт ўтса-да, эрига нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Балки уни менсимас, мабодо, раёинга қарши борса, жеркиб берарди. Азамат ишдан ҳориб келганида бирор маротаба хотинининг ширин табассум билан кўтиб олганини эслай олмайди. Эр унинг кўнглини олиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қўлини совуқ сувга ўрдирмади. Шаҳар марказидан данғиллама уй олиб, рўзгорини бўлак қилишига ҳам Санобарнинг дийдиёлари сабаб бўлди. Аммо булардан аёлнинг кўнгли ёришмасди.

Кўнларнинг бирида тунда ширин уйкуда ётган Санобар «Асад ака» дея тўлғонди. Буни эшитган Азамат ўрнидан сапчиб туриб кетди. У хотинини туртиб уйғотган эди, Санобар узоқ қариндоши тушига кирганини айтиб, ўзини оқлади.

\*\*\*

Азамат ва Санобарнинг тўйи бўлганига етти ойдан ошди. Лекин келинчак бу хонадоннинг остона-сини оруз умидлар билан эмас, ойисининг қўстиви билан ҳатлади. Орадан шунақа вақт ўтса-да, эрига нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Балки уни менсимас, мабодо, раёинга қарши борса, жеркиб берарди. Азамат ишдан ҳориб келганида бирор маротаба хотинининг ширин табассум билан кўтиб олганини эслай олмайди. Эр унинг кўнглини олиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қўлини совуқ сувга ўрдирмади. Шаҳар марказидан данғиллама уй олиб, рўзгорини бўлак қилишига ҳам Санобарнинг дийдиёлари сабаб бўлди. Аммо булардан аёлнинг кўнгли ёришмасди.

Кўнларнинг бирида тунда ширин уйкуда ётган Санобар «Асад ака» дея тўлғонди. Буни эшитган Азамат ўрнидан сапчиб туриб кетди. У хотинини туртиб уйғотган эди, Санобар узоқ қариндоши тушига кирганини айтиб, ўзини оқлади.

\*\*\*

Азамат ва Санобарнинг тўйи бўлганига етти ойдан ошди. Лекин келинчак бу хонадоннинг остона-сини оруз умидлар билан эмас, ойисининг қўстиви билан ҳатлади. Орадан шунақа вақт ўтса-да, эрига нисбатан муносабати заррача ўзгармади. Балки уни менсимас, мабодо, раёинга қарши борса, жеркиб берарди. Азамат ишдан ҳориб келганида бирор маротаба хотинининг ширин табассум билан кўтиб олганини эслай олмайди. Эр унинг кўнглини олиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қўлини совуқ сувга ўрдирмади. Шаҳар марказидан данғиллама уй олиб, рўзгорини бўлак қилишига ҳам Санобарнинг дийдиёлари сабаб бўлди. Аммо булардан аёлнинг кўнгли ёришмасди.

**БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?**

Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2009 йилнинг 22 сентябрь куни Россия Федерациясининг Оренбург шаҳар болалар уйдан ўзини **Саламон Николаевич Дадақузиев** деб таништирган, 2000 йилнинг 5 мартда туғилган бола олиб келинган. У отаси Николай Николаевич Дадақузиев, онаси Малика Рустамовна Дадақузиева эканлигини маълум қилган. Бироқ яшаш жойи, яқин қариндошлари ҳақида бошқа маълумотларга эга эмас.

**Белгилари:** бўйи 120-125 см, лаблари, қулоқлари ўртача, сочи, қошлари сарик, кўзлари кўк.

**Кийимлари:** тўқ кўк жинси костюм-шим, кроссовка кийган.

**Боланинг яқинларидан Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига муурожаат қилишларини сўраймиз. Муурожаат учун телефонлар:** 212-49-76, 212-42-56, 212-23-48.

**БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН**

Жиззах вилояти Арнасой тумани ИИБ томонидан 1991 йилда туғилган **Зауре Заировна Сулейманова** бедарак йўқолгани учун кидирилмоқда. У Арнасой тумани Абай кўчаси, 3-уй 1-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг 15 октябрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи ва қошлари қора, сочи бел қисмига тушади, ўртача гавдали, қулоқлари, бурни ўртача катталиқда.

**Кийимлари:** оқ кофта, кўк жинси юбка, сиёҳранг елим шиппақда бўлган.

**Алоҳида белгиси:** чап юзида малларанг холи бор.

**3. Сулеймановани кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Арнасой тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

\*\*\*

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБ томонидан 1975 йилда туғилган **Дилбар Дилшодовна Мирмақсудова** (Дилшодова) бедарак йўқолгани учун кидирилмоқда. У Учтепа тумани Замаҳшарий кўчаси, 5-тор кўча, 36-уйда яшаган. 2009 йилнинг 14 июль куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 155-160 см, осян, сочи қора.

**Алоҳида белгиси:** қорин қисмида жароҳлиқдан қолган чандиғи бор.

**Д. Мирмақсудова (Дилшодова)ни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар Учтепа тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**ҚИДИРИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБ томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун кидирилмоқда.

**Нигора Аҳадовна Тойирова.** 1971 йилда туғилган. Бухоро шаҳар Фишт заводи кўчаси, 12-уйда яшаган.

**Дилфуза Маҳмудовна Қаюмова.** 1976 йилда туғилган. Самарқанд шаҳар Сўзонгарон кўчаси, 47-уйда яшаган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

**Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун кидирилмоқда.**

**Қаҳрамон Хамидуллаевич Хабибуллаев.** 1975 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳар Улуғбек кўчаси, 9-уйда яшаган.

**Абдумажид Комилович Қосимов.** 1969 йилда туғилган. Шаҳрихон шаҳар 1-май кўчаси, 13-уйда яшаган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Шаҳрихон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**



**ХИЁННАТ**  
ДЕТЕКТИВ

**БЕКЧАНИ**

– Ҳа. Сўнг биз узоқ-узоқларга кетамиз-а? – деб маккорона кўз сузди Санобар.

Ошиқ-маъшуклар шу кўни анча вақтгача бирга бўлишди. Айниқса, Асад акаси хориждан олиб келган совгадан боши кўкка етган Санобар гўё осмон фалақда учиб юргандек ҳис этди ўзини. Жазмани оғушидаги аёл у билан танишган пайтларини эслади.

Асадбек хорижий фирмада менежер бўлиб ишлайди. Пулни пулга чақишни биладиган тadbиркор йигит. Шаҳардаги данғиллама уй, дала ҳовли, иккита ресторан, тўртта ёқилиш қўйиш шохобчаси унга тегишли. Тагида гижинглаган «BMW» русумдаги хориж машинаси. Бир сўз билан айтганда, «янги бой»лардан.

Ана шу бойвачча йигит кўнлардан бир кун улфатчиликдан сўнг ширакайф ҳолда машина бошқариб, автоҳалокатга учради. У «Тез ёрдам» машинасида шошилинч тиббий марказга олиб келинди. Уша кўни Санобар навбатчи эди. Ёш ҳамшира шифокорлар ёнида Асадбекка тиббий ёрдам кўрсатди. Шундан сўнг муолажа қилиш учун у ётган палатага тез-тез кириб турди. Асадбекнинг спортчиларга хос қомати, ўзига ярашган жингалак сочи, соқолини бироз ўстириб юриши, мавриди билан қилаётган хушомадлари қизга ёқарди. Буни яхши билган Асадбек унинг кўнглини овлаш учун бор маҳоратини ишга солди. Шу-шу улар ўртасидаги муносабат жиддий тўз олди. Санобар йигитнинг олдида тез-тез кирадиган, кечалари у ҳақда ўйлайдиган, кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Асадбек соғайиб, уйига кетаётганида эса:

лар қанчадан-қанча эди. Бирок у манаман деган йигитларнинг шаштини қайтаришга улгурди.

Саломат опа эса кизи совчиларга рад жавоби бераётганидан дили хуфтон. Не-не жойлардан харидор чиқмади, дейсиз. Кўли зиели, таг-туғли оилалар. Ахир Санобарнинг ёши йигирма тўртга қараб кетмоқда. Бунақада қари киз бўлиб, «ўтириб» қолиши ҳеч гап эмас. Шуларни ўйлаб, хаёл суриб ўтирган Саломат опа газга қўйилган сувнинг қайнашидан ўзига келди. Шу пайт кўча эшик очилиб, қизи кўринди. Нима бўлганда ҳам бугун уни яна кистовга оламан, ўйлади Саломат опа.

– Санобар, тез қўлингни ювиб чиқ, бирга овқатланамиз, – дея она хонтахта ёнига чўқди.

– Ойи, қорним тўқ, ўзингиз овқатланаверинг, – хонаси деразасидан мўралаб, жавоб қайтарди қизи.

– Бу ёққа кел, гап бор! – буйруқ оҳангида деди Саломат опа.

Санобар кийимларини алмаштириб чиққач, «қулоғим сизда, ойижон», дегандек онасига қаради.

– Болам, бугун анави қўшни маҳалладаги Хосият опаларниқидан совчилар келди. Ўзига тўқ, бадавлат оила. Ўғли банкда ишларкан. Жон кизим, йўқ демагин. Кўзим очиклигидан тўйингни кўрсам дейман, – ялинди Саломат опа.

Санобар онасидан кўзини олиб қочиб, ховли четидоғи қийғос очилган гулларга термулди. Қанотлари ҳарир капалак шамолда оҳиста тебранаётган барглardan бирига келиб қўнди. Санобар шу тобда мана шу нозик ҳашаротга айланиб қолгиси, майли,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси, ИИБ Санитария-эпидемиология назорат бош маркази раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирилик СЭНБМ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Қунишевга онаси  
**НАЗБУВИШ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши криминалистика кафедраси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Х. Тураббаевга волидаи муҳтарамаси  
**ТУБИХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Боғот тумани ИИБ ХООГ профилактика инспектори, майор  
**Аҳмадjon РАҲИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси, тезкор навбатчи, майор А. Собировга онаси  
**РАҲИМА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши тергов хибсхонаси бошлиғи, майор Б. Сайидқосимовга волидаи муҳтарамаси  
**ЛОЛАХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

РУҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

# ОЛТИН КУЗ

Куз. Дарахтларнинг заъфарон барглари гоҳ енгил эсан шамол эпкинни, гоҳ йиғилиб қолган ёмғир томчиларига дош беролмай, “чирт-чирт” узилиб ерга тушяпти. Бир пайтлар, аниқроғи, бир неча ой илгари улар нафислигини куз-куз қилганча қанчадан-қанча дилларга қувонч бахш этган эди. Атрофни яшилликка буркаганда эса қишдан эсон-омон чиққан қариялар кўзларига тўтиё айлашганди, ахир! Ёзнинг жазирама иссиғига дош беролмай, ана шу япроқлар остидан паноҳ топганлар-чи?!

Энди эса улар оёқларимиз остида «шитир-шитир» қилганча майдаланиб кетяпти. Фаррош аёл дағал сурпургиси билан қуриган япроқларни дам у ёққа, дам бу ёққа супуради. Эшик қоқиб келаётган қиш дарагидан мудроқ босган дарахтлар эса бу манзарани беҳол кузатишади, холос. Агар уйку зўр келмаса, сариқми, пуштими, қизилми, яшилми, қандай тусда бўлмасин, танасини беркитиб, гўзаллик бахш этиб турган «либос»идан айриларидами?! Уйку элитмаса, уз вужудининг бир парчаси узилиб ер қаърига сингади-ю, бепарво турармиди?! Уйку элитмаса ... Рутубатли борлиққа боқиб шоирнинг куйидаги сатрлари ёдга тушади:

*Ҳаёт интиҳоси эмас куз асло,  
Бир нафас тин олмоқ чоғидир фақат.  
Мунгли куз алласин тинглаб бу асно,  
Уйкуга кетмоқда ҳорғин табиат!*

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.



ХАЛҚОНА САТРЛАР

## ОДАМЛАР БОР...

*Одамлар бор, йиқилганни суяб қўяди,  
Одамлар бор, бир гап билан бўяб қўяди.  
Одамлар бор, бутун умри фалсафа, ғоя,  
Одамлар бор, бутун умри сафсата, соя.*

*Одамлар бор, яхшиларга жонин бахш этар,  
Одамлар бор, яхшиларнинг дилин ғаш этар.  
Одамлар бор, олдда байроқ кўтариб борар,  
Одамлар бор, ош пишганда йўталиб борар.*

*Одамлар бор, пешвоз чиқар истиқболингга,  
Одамлар бор, гўрингда ҳам қўймас ҳолингга.  
Одамлар бор, бўрини ҳам ўргатар қўлга,  
Одамлар бор, ўз боласин соломмас йўлга.*

*Одамлар бор, кўзсиз бўлиб пат гилам тўқир,  
Одамлар бор, кўзли бўлиб кўзингни чўқир,  
Одамлар бор, наъра тортмай мардлик қиларкан,  
Одамлар бор, дардсизни ҳам дардли қиларкан.*

*Одамлар бор, жон ошноси, давлатинг бир пул,  
Одамлар бор, молсиз дўстдан воз кечар бир кун.  
Одамлар бор, одамлар бор, турфа одамлар,  
Ахир битта боғда битар турфа бодомлар...*

Султон АКБАРИЙ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

### ТЕЛЕФОН ИХТИРОЧИСИ

Телефон лойиҳасини дунёда биринчи бўлиб 28 ёшли Александр Белл яратган. У 1875 йил июль ойида кўчор терисидан ясалган мембрана ўртасига игна ўрнатади. Игна электромагнитнинг ҳаракатдаги қисми билан боғланиб, товуш рупорда баландлашар ва мембранада йиғиларди. Ток манбаининг бир сими ерга, иккинчиси электромагнит ўрамаи орқали алоқа тармоғига уланади. Беллнинг шогирди Ватсон рупорга қараб қичқиради. Қабул қилувчи мослама олдида ўтирган Белл эса унинг сўзларини шовқин аралаш эшита бошлайди. Шу-шу телефон кашф этилган.



1876 йилда Александр Белл ихтиро қилган телефон АҚШда ўтказилган халқаро электротехника кўргазмасида намойиш этилиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонади.

Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади.

### ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Агар яхшилик ўн қисмдан иборат бўлса, тўққизтаси сукут қилишдир.

Умар ибн Ҳаттоб.

\*\*\*

Уматта (инсонга) уч нарсадан зарарлироқ нарса йўқдир: пулни яхши кўриш, бошлиқ бўлишга интилиш ва султонлар эшигига қатнаш.

Абу Хурайра.

БУ АЖИБ ДУНЁ

### УЛКАН АТИРГУЛ

АҚШнинг унчалик катта бўлмаган Тимстон шаҳрида энг улкан атиргул ўсади. Унинг эни 1 метру 27 сантиметр бўлиб, бўйи 320 сантиметрдир. Шохлари 500 квадрат метрга тарқалган. Бу атиргул 105 йил муқаддам Шотландиядан илдизи билан кўчириб келтириб экилган.



### ЭНГ КАТТА КЎЧА

Сайёрамиздаги энг кенг кўча Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳридадир. Узунлиги 2,4 километр келадиган бу кўчанинг эни 250 метрдир.

### АЖОЙИБ КАШФИЁТ

Парашютдан юк ташлаганда одамлар унинг ихтиёрини хоҳласа-хоҳламаса шамолга бериб қўядилар. Юкнинг қаерга тушини фақат тахмин қилиш мумкин эди. Энди таваккали бўлмайди. Америкалик ихтирочилар радио билан бошқариладиган парашютни синовдан ўтказдилар. Ердан ёки самолёт бортидан берилган команда бўйича учта электродвигатель парашют ипларини худди тажрибали парашютчидек керакки томонга тортади. Тажриба пайтида самолётдан ташланган юклар ўттиз икки километргача учиб борган ва белгиланган жойга аниқ кўнган. Радио орқали бошқариладиган бундай парашютлар табиий офат пайтларида ўт ўчирувчиларга, кўтбчиларга жўнатилган асбоб-анжомлар ва жўнатмаларни тез ҳамда аниқ олишда қўл келади.

### ЁҒАЁТГАН ТАРВУЗМИ, ҚОРМИ?

Колорадо фуқаролари табиатнинг ажойиб ҳодисасига гувоҳ бўлишди. Штатнинг тоғли худудларида қизил қор ёғди. Буниси ҳам майли, унинг таъми худди тарвузникига ўхшаш эди.

Мутахассислар қор таркибини текшириб кўришгач, унда Chlamydomonas пигменти мавжудлиги ва у инсон организми учун хавфсиз эканлиги маълум бўлган. Бундай пигментлар тоғдаги булоқларда бўлиб, буғланиш оқибатида қизил тусга қиради. Ажойиб ҳодисага гувоҳ бўлиш ва «тарвуз»дан татиб кўриш учун Колорадонинг деярли барча аҳолиси бу жойга ташриф буюришди.

### ҚАЙТИМИГА 76 МИЛЛИОН ЕВРО

Бельгиядаги оддий ишчи оиласи мультимиллионерга айланди. «Евро-миллион» лотереясининг 76 миллион евро (100 миллион АҚШ доллари атрофида) миқдоридagi ютуғини, Брюсселлик бир фуқаро ютиб олди.



Ютуқ эгасининг айтишича, дукондан нон харид қилгач, унга лотерея чиптасини қайтим сифатида беришган.

«Евромиллион» лотереяси Европа давлатларида ўйналади. Маълумотларга кўра, Бельгияда шу кунга қадар ҳеч ким бундай катта ютуқни қўлга киритмаган.

## ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН \*\*\* ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.

Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

# АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари –

«ПОСТДА», «НА ПОСТУ»

газеталари ҳамда

«QALQON», «ШИТ»

журналларига 2010 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Бугунги кеча-кундузда, айниқса, Вазирлигимизнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги ва Жазони ижро этиш бош бошқармалари, Хўжалик бошқармаси, Алоқа бўлими ҳамда Самарқанд, Жиззах, Фарғона, Наманган, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоят ИИБлари ходимлари обуна бўлишда пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Бунинг учун уларга самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Умид қиламизки, қолган ҳамкасбларимиз ҳам улардан ўрнак оладилар.

Вазирлигимизнинг қўллаб-қувватлаши ва кўп минг сонли газетхонларимизнинг хайрихоҳликларига таянган ҳолда обунани юксак савияда ташкиллаштириш ниятидамиз.

Ўзингиз ва ҳамкасбларингизнинг элу юрт осойишталиги йўлидаги шарафли хизматингизни халқ билишини ва қадрлашини истасангиз нашрларимизга обуна бўлинг.

Шошилинг, вақт кам қолмоқда. Обуна бўлолмай, армонда қолманг!

Сиз азизларга қулайлик яратиш мақсадида обуна нархлари ўзгартирилмади.

2010 йилнинг 1-ярим йиллигида обуна баҳоси:

Газеталаримиз учун – 11 700 сўм.

Журналларимиз учун – 19 200 сўм.

(Матбуот уюшмалари орқали обуна бўлганда обуна нархи ошиши табиий)

Обунани энг фаол уюштирган ҳамкорларимиз тахририят томонидан мукофотланадилар.

### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» 180 (366) «На посту» 169 (367)  
«Qalqon» 970 (1083) «Шит» 971 (1084)



ISSN 2010-5355

О'ЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ИИВ БИРЛАШГАН  
ТАХРИРИЯТИ

МУАССИС:  
О'ЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР  
VAZIRLIG'I

Bosh muharrir Zikrillo NE'MATOV

Bosh muharrir o'rinbosari – Qobiljon SHOKIROV  
Mas'ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV  
Navbatchi – Muhabbat IBRAGIMOVA  
Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV  
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.  
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart.  
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.  
INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8452. Boshliq – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57491 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.